БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 60 (1064)
22 МАРТ ШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Чигит экишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрайлик

Колхоз ва совхозларимиз далаларида чигит экишга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Колхозчилар, совхоз ишчилари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарори асосида ҳозирнинг ўзидаёқ МТСлардан сотиб олган техникани экишга пухта тайёрламоқдалар. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг яқиндагина бўлиб ўтган VII пленуми, шунингдек, Тошкент область ва шаҳар партия активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорини кенг муҳокама қилди ва яккаликлик билан маъқуллади, кўкламга тайёргарлик, чигит экишни ўз вақтида, сифатли қилиб ўтказишда партия ташкилотлари олдида турган конкрет вазифаларни белгилаб берди.

1958 йилда Тошкент областининг пахтакорлари олдида ҳам жуда катта ва гоят масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифа пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида қабул қилинган юксак социалистик Мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашдан, бу йил мамлакатга камида 475 минг тонна пахта етказиб беришдан иборатдир.

Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Арманистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг Катта Кремль Саройида тўпланган вакиллари олинган Мажбуриятни қандай қилиб бажариш, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада кучли суратда юксалтириш йўлларини белгилаб бердилар. Бу тадбирларни тўла-тўкис амалга оширишнинг аҳамиятини ҳар бир қишлоқ хўжалик меҳнаткаши онгига етказиш, уларни Кремлда қабул қилинган социалистик Мажбуриятни бажариш учун курашга сафарбар этиш — партия ташкилотларининг энг муҳим шарафли бурчидир.

Чигит экишни юксак агротехника қоидаларига амал қилиб ўз вақтида юқори сифатли ўтказиш — бу йил 475 минг тонна пахта бериш учун, Кремлда олинган социалистик Мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун курашда энг муҳим ва ҳал қилувчи босқичдир. Кузда йиғиб-териб олинадиган мўл ҳосилнинг тақдирини мана шу кунларда пахта далаларида амалга ошириладиган энг муҳим агротехника тадбирлари, бу тадбирларнинг ўз вақтида юқори сифатли қилиб ўтказилиши ҳал қилади.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарори колхоз қишлоғида янги меҳнат кўтаринкилигини вужудга келтирди. Илғор қишлоқ хўжалик артеллари колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш ишини кўкламги экишга пухта тайёргарлик кўриш билан маҳкам боғлаб олиб бормоқдалар. Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари февраль Пленумининг қарорига жавобан меҳнат ғайратини янада ошириб, чигит экишни ва бошқа кўкламги қишлоқ хўжалик ишларини зўр уюшқоқлик билан юксак даражада ўтказиш учун курашмоқдалар. Жумладан Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Сталин номли, Хрушчев номли Бекобод районидаги Дзержинский номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» ва Куйбишев номли, Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» ва Охунбобоев номли колхозлар, «Малик» совхозининг ишчилари, 1-Январь МТСининг механизаторлари ана шундай қилмоқдалар.

Бироқ, очиқ эътироф қилиш керакки, кўкламги экишга тайёргарлик ишида ҳали камчиликларимиз кўп. Кўпгина колхозлар ва совхозлар чигитни агротехника жиҳатидан энг яхши ва қисқа муддатларда тез ҳамда сифатли экиб олиш учун етарли тайёргарлик кўрган эмаслар. Чигит экишни бошлаб юбориш учун жуда оз вақт қолишига қарамай ерни экишга тайёрлаш ишлари ниҳоятда қониқарсиз бораётир. Бундай фактларни айниқса Пискент, Бўка, Октябрь, Чиноз ва Боёвут районларидаги колхозларда кўпроқ учратиш мумкин. Пискент районида ерни экишга тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳозирги талабга мутлақо жавоб бермайди. Райондаги Жданов номли колхозда шу кунларда колхозчиларнинг учдан бири ҳам дала ишларида қатнашмаётир. Колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетганлигидан тайёрланиши лозим бўлган 5400 тонна маҳаллий ўғитдан ҳалигача минг тоннаси ҳам далага ташиб чиқарилмаган. Ариқ-зовурларни тозалаш юзасидан берилган топшириқнинг ярмиси бажарилган эмас.

Боёвут районида ҳам экишга тайёргарлик жуда кечиктириб юборилмоқда. Колхозчилар ва совхоз ишчилари дала ишларига тўла сафарбар этилмаган. Районда 3 мингга яқин колхозчи ва совхоз ишчиси экишга тайёргарлик ишларида иштирок этмаётир. Ернинг шўрини ювиш ва далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Бу фактлар бултур катта хатоларга йўл қўйиб, пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмаган Боёвут район партия, совет ташкилотлари раҳбарларининг ўтган йилнинг сабоқларидан ҳали ҳам тегишли хулоса чиқариб олмаганликларини кўрсатади.

Ерни чигит экишга яхшилаб тайёрлаш пахтадан мўл ҳосил етиштиришда амалга оширилиши зарур бўлган энг муҳим дастлабки тадбирдир. Чигит экиш учун ажратилган ерлар яхшилаб ўғитланган, тракторлар билан чуқур ҳайдалган, ер текисланиб, шўр босган участкалар ювилган, ариқ-зовурлар тозаланган ва сув билан таъминлашга доир масалалар ҳал этилган тақдирдагина ер чигит экишга тайёр деб ҳисобланади. Шунинг учун шу кунларда ҳар бир колхоз, совхоз, бригада ва звенода чигит экиш учун ажратилган ерлар планда белгиланган топшириқларга ва сифатли қилиб экиш соҳасида қўйилган талабларга қанчалик мувофиқ эканлигини яна бир марта чуқур текшириб чиқиш керак.

Пахта ерларини чигит экишга тайёрлашда қолоқ ва камқувват колхозларга ҳар тарафлама ташкилий ва моддий ёрдам бериш энг муҳим вазифадир. Токи, қолоқ ҳисобланган ҳамма колхозлар 1958 йилда пахта тайёрлаш планини тўла бажарсинлар ва гектаридан 20 центнердан кам ҳосил олмасинлар.

Маҳаллий ўғитлардан яхшироқ фойдаланиш пахта етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Шунинг учун далага гўнг чиқаришни ҳамма жойда кенг авж олдириб юбориш, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш керак. Шу билан бирга ҳосилни ошириш учун катта аҳамиятга эга бўлган яхши сифатли уруглик чигит экишга алоҳида эътибор бериш керак.

Кремлда қабул қилган социалистик Мажбуриятимизни шараф билан бажариш ва 1958 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақани ҳозирдан бошлаб кенг қизитиб юборайлик, кўкламги экишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик билан киришайлик!

СОВЕТ АРМИЯСИ ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ ИНЖЕНЕРЛИК АКАДЕМИЯЛАРИНИ БИТИРИБ ЧИҚҚАНЛАРНИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ КРЕМЛДА ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Совет Армияси Ҳарбий Ҳаво кучларининг инженерлик академияларини — Ленин орденли, Қизил байроқли профессор Н. Е. Жуковский номидаги Ҳарбий Ҳаво инженерлик академиясини ҳамда А. Ф. Можайский номидаги Ленинград Қизил байроқли Ҳарбий Ҳаво инженерлик академиясини битириб чиққанларни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 20 мартда Катта Кремль саройида қабул қилдилар.

А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, Л. И. Брежнев, Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, А. И. Косигин, В. П. Мжаванадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Ф. Устинов, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский ўртоқлар, Совет Иттифоқи маршаллари, қўшин турларининг маршаллари, генераллар ва адмираллар, СССР министрлари, Совет Қуролли Кучларининг офицерлари, СССР Олий Совети Президиумининг, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари шунли Совет Қуролли Кучлари сафларини тўлдирган ёш офицерларни кутиб олдилар.

Тантанали йиғилиш СССР Олий Советининг мажлислар залида очилди. Йиғилиш қатнашчилари Коммунистик партиянинг ва Совет ҳукуматининг раҳбарларини, маршаллар ва генералларни қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Йиғилишни авиация маршали К. А. Вершинин очди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан қизғин кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

Академияларни битириб чиққанлар номидан инженер-капитан Л. А. Овчаров, Болгария Халқ армиясининг офицери, Н. Е. Жуковский номидаги Академияни битириб чиққан майор Л. Б. Николов, академияларнинг профессор-ўқитувчилар составн номидан инженер-техника хизмати майори И. И. Кулагин ҳам нутқ сўзладилар.

Маршал К. А. Вершинин қисқача нутқ сўзлаб, тантанали йиғилишни ёпди.

Инженерлик академияларини битириб чиққанлар йиғилишдан кейин партия ва ҳукумат раҳбарлари билан бирликда дастурхонлар ёзиб қўйилган Георгий залига кирдилар. Бу ерда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Ҳарбий Ҳаво Кучлари офицерларини қизғин табриклаб нутқ сўзлади. У, СССР Қуролли Кучлари инженер кадрларнинг янги отрядига келгусида қиладиган ишларида катта муваффақиятлар, шахсан бахтиёрлик ва сиҳат-саломатлик тилади.

Ўртоқ Ворошиловнинг нутқи гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский ҳам академияларни битириб чиққан офицерларни қизғин табриклади.

Партия ва ҳукумат раҳбарларининг Ҳарбий Ҳаво Кучлари инженерлик академияларини битириб чиққанлар билан учрашуви Совет Армиясининг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тевирагида жипслашганлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди. (ТАСС).

ГАЗОПРОВОД ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ МИТИНГИ

КОГОН (Бухоро области), 21 март. (ТАСС). Бу ерда Ўрта Осиёда энг катта ҳисобланган Жарқоқ—Бухоро—Самарқанд—Тошкент магистраль газопровод қурилиши бошланишига бағишланган тантанали митинг бўлди.

Митинг қатнашчилари ўз сўзларида янги газопровод ишга туширилиши натижасида Ўзбекистоннинг ўнлаб шаҳар ва район марказлари, юзлаб қишлоқлари арзон ва гигиенали ёқилғи олажакларини айтдилар. Қизилқум чўллари остида топилган гоят кўп табиий газ запаслари Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларни ҳам яқин вақт ичида газлаштиришга имкон беради. Бухородаги газ жуда яхши сифатга эга. Масалан, бу газ Ленинграддаги сланец газидан икки баравар қувватлироқдир.

— Шарқда энг йирик газопровод қурилишида Ўзбекистон қурувчилари билан бирга бепоён Ватанимиздаги кўп миллатларнинг намояндалари ҳам қатнашмоқда, — деди изоляциячилар бригадасининг бошлиғи Ларисса Литвинова. — Масалан, менинг бригадамда Ростов, Белгород, Горький, Киевдан келган ёш ватанпарварлар ишламоқда. Бизлар бу улугвор иншоотни муддатидан илгари ишга тушириш учун ўз кучимизни аямаймиз. Бу иншоот мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Газопровод қурувчилари, Бухоро области партия ва совет ташкилотларининг вакиллари қурилишнинг биринчи навбат қисмини муваффақият билан тугаллаш учун бутун кучларини ва воситаларини сафарбар қилишга қатъий бел боғлаганликларини айтдилар.

Митингда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ўртоқ М. З. Мирзааҳмедов катта нутқ сўзлади.

КИНОФИКАЦИЯ ВА КИНОПРОКАТ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

20 мартда Марказий Кино уйида кинофикация ва кинопрокат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди. СССР Маданият министрлиги чақирган бу кенгаш ишида барча иттифоқчи республикаларнинг ва мамлакатдаги кўпчилик областларнинг кинофикация ва кинопрокат ходимлари, иттифоқчи республикалар Маданият министрликларининг ходимлари, операторлар, ВЦСПС ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари қатнашмоқда.

СССР Маданият министри Н. А. Михайловнинг кириш нутқидан кейин Кинофикация ва кинопрокат бошқармасининг бошлиғи Н. И. Шиткин «Кинофильмлар билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди. У, совет кино санъатининг янада юксалиб бораётганлигини ва аҳолига кино хизмати яхшиланаётганлигини кўрсатувчи маълумотлар келтирди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 69 минг киноустановка бор. Кенг экранли 120 кинотеатр ишламоқда. Россия Федерациясининг ўзидагина 1957 йилда колхозларнинг маблағлари ҳисобига 1.200 дан ортиқ киноустановка ишга туширилди.

Кинофикация ва кинопрокат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. В. Трофимовнинг доклади илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмларни пропаганда қилиш масалаларига бағишланган эди.

Кенгаш қатнашчилари Кинофильмлар прокати Москва шаҳар конторасн бошқарувчиси Н. И. Бобровнинг, Днепропетровск область маданият бошқармаси вакили М. П. Ионконинг, Латвия Кинофильмлар прокати республика конторасн вакили З. К. Бендрупнинг, Қирғизистон фильмлар прокати республика конторасн вакили Е. П. Нецветаевнинг қўшимча докладларини тингладилар. (ТАСС).

Областимизда

Лабораториянинг 25 йиллик самарали иши

Тошкент областидаги ветеринария-бактериология лабораториясининг ташкил этилганига 25 йил тўлди. Лабораториянинг илмий ходимлари ана шу даврнинг ичида колхоз ва совхозларнинг чорвачилик хўжаликлари билан мустаҳкам алоқада иш олиб бордилар. Улар чорва молларида юқумли касалликларнинг тарқалиш йўллари ва унга қарши кураш методларини ишлаб чиқмоқдалар. Кўп йиллик меҳнат натижасида манқа касаллиги бутунлай йўқотилди, саратон касаллиги эса минимумгача камайтирилди.

Лаборатория биргина Ўзбекистонда эмас, балки Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон республикаларининг чорвадорларига ҳам консультация ва маслаҳатлар бериб туради.

Лаборатория анализдар ўтказадиган мукаммал ҳозирги замон аппаратураларига эга. Ўтган 25 йил мобайнида лаборатория илмий ходимлари чорва касалликларини олдини олиш ва йўқотиш соҳасида катта ишлар қилдилар. Фақат ўтган йилнинг ўзида 200 та турли анализ ўтказилди, турли ҳайвонларнинг 209 минг дона териси текширилди, бир қанча ферма бинолари дезинфекция қилинди.

В. ХАРИЧКИН.

Самарқандга экскурсия

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти маъмурияти, комсомол ва касаба союз ташкилоти студентларнинг қишки каникулини мазмунли ўтказиш учун турли тадбирларни кўрдилар. Студентларнинг кўпчилиги каникул кунларида Тошкентдаги завод, фабрика ва музейларга бордилар.

Бундан ташқари институтнинг 130 студенти Ўрта Осиёнинг энг қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлган Самарқанд шаҳрида бўлди. Студентларнинг бу экскурсиясига институт ўқитувчиларидан М. Бобоева, Х. Дониёров, Х. Авланова ўртоқлар раҳбарлик қилдилар.

Олти кун давомида ёш педагоглар Самарқандаги тарихий ёдгорликларни, саноат корхоналарини, музейларни кўздан кечирдилар. Жумладан, студентлар XIV-XV асрларда қурилган Гўрамир, Регистон, Бибихоним, Шоҳи Зинда каби мадрасаларда, Улуғбек обсерваториясида, «Кинап» заводида, Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейида бўлиб, Самарқандинг экономикаси, ёдгорликлари ва тарихини ўргандилар.

А. САЙДАМИНОВ.

Ўқувчилар кўплаб металлом тўпламоқдалар

Областимизнинг Октябрь районидаги 7-ўрта мактаб ўқувчилари металл-лом тўплаш кампаниясига актив иштирок этмоқдалар. Яқинда комсомолларнинг икки марта зарбдор ҳафталиги ўтказилди. Мактаб ўқувчилари ана шу ҳафталикда 12 тоннадан ортиқ металлом тўпладилар. Бу ишда ўқувчилардан Ш. Камолов, У. Далибоев, М. Рамазонов, Ф. Абдуллаева ва О. Одиловлар бошқаларга намуна бўлдилар.

Шунингдек, райондаги Андреев номли 13-мактабнинг комсомол ва пионерлари ҳам 9 тоннадан ортиқ металл-лом тўпладилар.

Т. ИМОМОВ.

Тошкентдаги 2-тикув фабрикасининг коллективи партия ва ҳукуматнинг болалар пойафзали ва кийим-кечаклари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ҳақидаги қарорига жавобан янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқдалар. **Суратда:** тикув цехининг мастери **Н. Бутенко** (чапда) ва мотористка **О. Бойназарова** ўртоқлар кўйлакнинг янги фасонини муҳокама қилмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Болалар пойафзалини кўпайтирамиз

Кеча Янгийўл шаҳридаги болалар оёқ-кийими фабрикасининг директори Ўртоқ Қ. Эшонхўжаев телефон орқали бизга қуйидагиларни хабар қилди:

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Иттифоқи Министрлар Совети болалар учун кийим-кечак ва пойафзал ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Аҳолининг болалар пойафзали ва кийим-кечакларига бўлган талабини максимал даражада қондириш мақсадида Марказий Комитет ва СССР Министрлар Совети ана шу муҳим қарорни чиқарди.

Республикамизда кейинги йиллар мобайнида болалар оёқ-кийимлари ишлаб чиқариш бирмунча яхши йўлга қўйилган бўлсада, лекин ҳали бу соҳада жиддий камчиликлар мавжуд. Тошкент Совнархозига қарашли трикотаж ва оёқ-кийимлари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари болалар учун зарур размердаги, истаган рангда ва фасондаги оёқ-кийимлари ишлаб чиқаришга кам эътибор бермоқдалар.

Ўтган йил биз ўз корхонамизни нуқул болалар пойафзали ишлаб чиқаришга ихтисослаштирдик. Бу йил хилма-хил размерларда ва фасонларда 1957 йилдагига нисбатан қарийб 2,5 барабар кўп болалар оёқ-кийими тайёрлаб беришимиз керак. Бизда давлат белгилаб берган планни бажариш учун ҳамма шарт-шароит мавжуд. Яқинда корхонамиз рационализаторлари ва мутахассисларидан бир группасини Ленинградга юборди. Улар ленинградлик пойафзалчиларидан чиройлик, мустаҳкам, хушбичим болалар оёқ-кийимини тайёрлашни ўзлаштириб қайтдилар.

Коллективимиз март ойининг учинчи декадасидан бошлаб 46/0, 47/6, 42/76, 40/80 моделлари асосида ўндан ортиқ размердаги турли хил рангда ботинка ва туфлилар ишлаб чиқаришга киришади. Янги туфлилар арзон ва шу билан бирга сифатли ва мустаҳкамдир. Бу моделлардаги пойафзалнинг чакана нархи 14 сўмдан 50 сўмга қадар боради. Биз бундан кейин ҳам болалар пойафзалининг арзон ва сифатли бўлиши учун курашамиз.

Фурсатдан фойдаланиб муҳим бир масалани ўртага қўймоқчиман. Партия ва ҳукумат қарорида мавжуд фабрикаларнинг ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш ҳақида ҳам кўрсатма берилган. Биз кўп йиллардан буён корхонамиз территориясини кенгайтира олмаётирмиз. 1957 йилнинг бошларида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фабрикамиз билан ёнма-ён жойлашган янгийўлторг базаси ховлисини фабрикамизга қўшиб бериш тўғрисида махсус қарор қабул қилган эди. Орадан бир ярим йилча вақт ўтишига қарамасдан бу қарор бажарилмай қолаётир. Биз Тошкент Халқ хўжалиги кенгашидан шу масалани тезроқ ҳал этиб беришни сўраймиз.

Таъминот масалалари ҳақида ҳам икки оғиз тапирмоқчиман. Бизни Самарқанд Совнархозига қарашли Охунбобоев номли кўн заводи кўн ва таг чармлари билан таъминлаб туриши керак. Лекин айрим ҳолларда биз чарм етишмаслигидан бекор туриб қолмоқдамиз. Худди шундай аҳвол Тошкентдаги кўн комбинатида ҳам юз бермоқда. Комбинат директори Ўртоқ Куцмига бир неча бор мурожаат қилишимизга қарамай ҳали ҳам пошналик чармлар етказиб бериш яхши йўлга қўйилмаётир.

Шаҳар меҳнаткашларининг яхши дам олишлари учун

Олмалиқ шаҳридаги маданий-оқартув муассасалари меҳнаткашларнинг яхши дам олишларини уюштириш мақсадида зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Яқиндан бери шаҳардаги болалар музика мактаби ҳузурида музика лекторийси ишлай бошлади. Ўзбек адабиёти ва санъатининг Москвада бўладиган декадаси олдидан мактаб ўқитувчилари шаҳар меҳнаткашларини Ўзбекистон ва бошқа қардош республикалар композиторларининг асарлари билан таништирмоқдалар.

Горький номидаги клубда йигит ва қизлар учун «Ҳамма нарсани билишни истайман» номли рангли илмий-оммабоп журнал ташкил этилган. Бу ёшлар журналининг яқинда намойиш қилинган сони тамошабинларда катта таассурот қолдирди.

Шаҳардаги бошқа маданий-оқартув муассасалари ҳаётидан ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

П. ШУМИЛИН.

Цемент саноатини янада ривожлантирайлик

Яқинда республика цемент саноати корхоналари ходимларининг Ўзбекистонда цемент саноатини янада ривожлантиришга бағишланган кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ишида республика министрликлари, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Қорақалпоғистон Халқ хўжалиги кенгашлари вакиллари, шунингдек Москва, Харьков, Новороссийск шаҳарларидаги илмий-текшириш институтларининг ходимлари, СССР Госплани вакиллари қатнашдилар.

Йиғилганлар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Е. Насриддинованинг «Ўзбекистон ССРда цемент саноатини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладини ҳамда республикадаги мавжуд цемент заводларини энг янги техника билан ускуналаш ҳамда янги заводларни қуриш проекти бўйича республика Госплани бўлим бошлиғи ўртоқ Пошютиннинг қўшимча докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Докладчилар ва сўзга чиққан нотиқлар сўнгги йилларда республикада цемент саноатининг бирмунча ривожланганлигини қайд қилиб ўтдилар. Октябрь революциясига қадар Ўрта Осиёдаги республикаларда бирорта ҳам цемент заводи бўлмаган. Совет ҳокимияти йилларида биргина Ўзбекистон республикаси территориясида бир қанча йирик цемент заводлари вужудга келтирилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган цемент миқдори Афғонистон ва Эрон мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган цементдан анча кўпдир.

Бироқ цемент заводларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот республика халқ хўжалигининг цементга бўлган эҳтиёжини қондира олмаётир. Бунга асосий сабаб шуки, сўнгги бир неча йил давомида мавжуд цемент заводларини реконструкция қилиш, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилган кўпгина тадбирлар гоят кечикиб амалга оширилмоқда. Партия XX съезд қарорларида Қувасой, Хильково ҳамда Оҳангарондаги цемент заводларини қисқа вақт ичида реконструкция қилиш зарурлиги кўрсатилган эди. Афсуски, ана шу программа айрим раҳбар ходимларнинг айби билан, хусусан пудратчи қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг айби билан ўз муддатида бажарилмади. Хильково ва Қувасой цемент заводларини реконструкция қилиш бўйича белгиланган планнинг лоақал ярми ҳам амалга оширилмади. Натижада республикамизнинг қурилиш ташкилотлари, йирик сув иншоотлари ўтган йил белгиланганидан қарийб 100 минг тонна кам цемент олдилар.

Кенгашда шу нарса алоҳида кўрсатиб ўтилдики, республика Госплани халқ хўжалиги учун етарли миқдорда цемент ишлаб чиқара олдиган янги корхоналар қуришни бир неча йилдан буён кейинга судраб келаётир. Эндиликда, тор идоравчилик тўсиқлари олиб ташланганидан кейин янги цемент заводларини қуриш ва яқин 3-4 йил ичида фойдаланишга топшириш имкони вужудга келди. Госплан ва республика Совнархозлари Оҳангаронда йиллига 900 минг тонна ва Бухорода бир неча юз тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводларни қуриш ишига киришишлари лозим.

Кенгашда сўзга чиққан Бекобод шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Хуснутдинов ўтган йил Хильково цемент заводи қониқарсиз ишлаганлигининг сабаблари ҳақида гапирди.

— Баъзи ўртоқлар, — дейди ўртоқ Хуснутдинов, — Хильково заводи ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг паст бўлиши заводдаги мавжуд техниканинг эскириб қолганлигидадир, дейди. Бу, қисман тўғри, лекин заводнинг бир неча йиллардан буён ёмон ишлаётганлигига асосий сабаб бу эмас. Корхона сўнгги 2-3 йил ичида янги техника билан тўла бўлмаса-да, ҳарҳолда ускуналанди, лекин негадир завод ишлаб чиқаришда ўзгариш бўлмаётир. Биз завод маъмурияти ва партия ташкилоти билан бу тўғрида жуда кўп мулоҳазалар юритдик. Текширишда заводнинг айрим цех ва участкалари нормал ишлаётганлиги, печь ва тегирмонлардаги агрегатлардан унумли фойдаланилаётганлиги аниқланди. Бироқ асосий цехлар, умуман завод давлат планини бажара олмаётир. Бу ерда бошқа сир бор. Сўнгги 5-6 йил давомида заводда инженер-техник ходимларнинг кўнимсизлиги ҳаддан ташқари авж олиб кетди. Масалан, ўтган 4 йил давомида заводга бир неча инженер (буларнинг кўпчилиги бош инженерлар) ва техник ходимлар келиб кетдилар. Заводда меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган рационализаторлик ва ихтиросчилик таклифлари деярли жорий этилмаётир. Корхона ҳузуридаги лаборатория ҳам маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган бирорта таклиф киритган эмас. Бундай шароитда завод кўрсаткичларини яхшилаш қийиндир.

Биз республика Госпланидан ҳамда Тошкент Совнархозининг бинокорлик материаллари саноати Бошқармасидан Хильково цемент заводини тажрибали раҳбар кадрлар билан таъминлашни ҳамда реконструкция ишлари учун зарур бўлган материалларни ўз вақтида юборишларини сўраймиз.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги экономисти Ржевский, «Взривпром» директори Зотолоцкий, республика Госплани раисининг ўринбосари Алиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги илмий-техника комитети раисининг ўринбосари Тўхтаҳўжаев, Оҳангарон цемент заводининг бош инженери Бережной ва бошқа ўртоқлар республика цемент саноати корхоналарини янада ривожлантиришга қаратилган қимматли фикрларни айтдилар. «Взривпром» директори ўртоқ Зотолоцкий ўз нутқида карьер хўжалигини янада кенгайтириш ҳақида тўхталди. У, Ўрта Осиё ерости бойликларини қўриқлаш ва геология-қидирув бошқармасини қаттиқ танқид қилди. Бу бошқарма кейинги йилларда жуда суст ишламоқда. Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган ҳамма табиий қазилма бойликлари бор бўлишига қарамасдан, геология бошқармаси қидирув ишларини кучайтиришга етарли эътибор бермаётир.

Оҳангарон цемент заводининг бош инженери Бережной, Бекобод шаҳар қурилиш бошқармасининг бошлиғи Шельдинер ўртоқларнинг сўзи кенгаш қатнашчиларининг диққатини ўзига тортди. Улар республика Госпланини реал план асосида иш олиб бормаётганлиги учун танқид қилдилар.

— Оҳангарон цемент заводига берилган давлат плани реал шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда тузилгандир, — дейди ўртоқ Бережной. — 1958 йил учун олган планимизнинг қайта кўриб чиқилишини сўраймиз. Чунки бу планда номенклатура бўйича цемент ишлаб чиқариш нотўғри белгиланган. Биздаги ускуналар бинокорлик учун энг зарур бўлган партланцемент ишлаб чиқаришга мослаштирилмаган. Госплан эса бизга худди шу хилдаги цементдан 1958 йилда 10 минг тоннадан кўпроқ план берган.

Кенгашда СССР Госпланининг бўлим бошлиғи ўртоқ Никулин Ўзбекистон ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда цемент саноатини ривожлантириш перспективалари тўғрисида ахборот берди. Кенгаш қатнашчилари республикада цемент саноатини янада ривожлантириш юзасидан социалистик мажбурият олиб, қарор қабул қилдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. Абдураззоқов қатнашди.

КОЛХОЗ ТУЗУМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

Тошкент область ва шаҳар партия активининг йиғилиши

Тошкент область ва шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда шаҳар ва район партия комитетлари, ижроия комитетлари, саноат корхоналари, колхоз, МТС, совхозларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ва бошқалар иштирок этдилар.

Актив йиғилишида Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **С. Н. Нуриддинов** «КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми, пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши якунлари ва Тошкент область партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» доклад қилди.

Докладчи колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш юзасидан Коммунистик партия белгилаган тадбирларнинг тарихий аҳамиятини муфассал характерлаб, область меҳнаткашлари ана шу тадбирларни яқдиллик билан маъқуллаганликларини кўрсатди ва йиғилиш қатнашчиларининг эътиборини КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини амалга ошириш масаласига жалб қилди.

Бу йил техникани областдаги 100 га яқин қишлоқ хўжалик артели сотиб олишга қарор қилди ва улардан 57 таси ҳозирнинг ўзидаёқ уни ўз қўлига олди.

Даставвал, дейди ўртоқ Нуриддинов, техникани сотиб олган ва уни сотиб олишни назарда тутаётган колхозларда мустаҳкам ишлаб чиқариш-техника базаси вужудга келтириш зарур. Ҳозирнинг ўзиданоқ устаноналар қуриш ва уларни станоклар, асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни бошлаб юбориш лозим. Бу соҳада колхозларга область саноат корхоналарининг, айниқса Тошкент шаҳри саноат корхоналарининг коллективлари ёрдам беришлари керак ва улар бунинг уддасидан чиқа оладилар.

Агар шаҳарларнинг меҳнаткашлари колхозларга оталик ёрдами кўрсатиш мақсадида уларга устаноналарни жиҳозлашдагина эмас, балки у ерда доимий ишлаш учун токарлар, слесарлар, темирчилар ва бошқа мутахассисларни юбориш йўли билан ҳам ёрдам берсалар, яхши бўлур эди.

Ҳозирги вақтда колхозларни электрлаштириш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу ишда фақат «Облсельэнерго» эмас, балки ўзларининг қайси идорага бўйсунишларидан қатъий назар, бошқа ташкилотлар ҳам иштирок этишлари керак. Вазифа шундан иборатки, яқин бир эрим-икки йил ичида областдаги барча колхозларни ёппасига электрлаштирайлик.

Техникадан тўғри фойдаланиш, трактор бригадаларига, автомобиль хўжаликларига, ремонт базаларига малакали раҳбарлик қилиш учун колхозларда правление раисининг механизация бўйича ўринбосари вазифасини жорий қилиш лозим. Шу муносабат билан колхозларни шаҳарларда яшовчи мутахассислар билан таъминлаш масаласи келиб чиқади.

Шунингдек, колхозларда ишлашга ўтган механизаторлар учун ҳам, колхозчилар учун ҳам агротехника ўқиши программасини тузиш ҳақида ўйлаб кўриш зарур. Бундан ташқари механизаторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш керак бўлади. Механизаторларни қайта тайёрлаш ишини МТС ва ремонт-техника станциялари ҳузурида ташкил этиш, янги кадрлар тайёрлашни эса механизация ўқув юртлари (мактаблари) ва техникумларда марказлаштириш, уларнинг ўқиш программасига маълум ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Сўнгра докладчи колхозларга ўтган тракторчилар ва механикларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қоидаси ҳақидаги тавсияномаларни ишлаб чиқишни таклиф қилади, уларга зарур моддий-маиший ва маданий шароитлар яратиб бериш лозимлигини кўрсатади.

Техникани колхозларга ўтказиш ва МТСларни қайта ташкил қилиш муносабати билан маҳаллий Советларнинг роли ошади. Район ижроия комитетлари қошида қишлоқ хўжалик бўлимлари ёки инструкторлик группалари ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Улар колхозларга планлаштириш, ер ва моддий-техника ресурсларидан тўғри фойдаланиш ишларини яхши йўлга қўйишда ёрдам беради, хўжалик фаолияти ва қишлоқ хўжалик артели Уставига риоя қилиш устидан контроллик қилиб боришлари лозим.

Айрим МТСларнинг раҳбарлари, дейди докладчи, техникани бир қатор колхозларга топширгандан кейин кундалик қишлоқ хўжалик ишларини амалга оширишда машина-трактор станцияларининг роли камаяди, деб ўйлайдилар. Бу нотўғри, хато фикр ва у ишга жиддий зарар етказиши мумкин. Нима учун? Шунинг учунки, колхозларнинг раҳбарлари машиналарни ишлатиш ва уларга техника қаровини ташкил қилиш соҳасида ҳали етарли тажрибага эга эмаслар. Шу туфайли қайта ташкил қилишнинг дастлабки даврида МТСларнинг оперативлик роли камаядигина эмас, балки ошади.

Техникани сотиб олган колхозлар билан МТС ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлаш зарур.

Колхозларнинг бўлинмас фондига ажратиладиган пул маблағларини қўпайтириш ва ундан тўғри фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Докладчи, айрим колхозлар хўжаликдан олинаётган даромад ва колхозчиларнинг даромади бирмунча кўпайганига қарамай, бўлинмас фондга ажратилаётган маблағнинг миқдорини қисқартираётганликларини кўрсатувчи фактларни келтиради.

МТСларни қайта ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни қишлоқда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни жиддий яхшиламасдан туриб, муваффақиятли ҳал қилиш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади.

Иқтисодий жиҳатдан кучсиз колхозлар партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак. Шу муносабат билан қишлоқ бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш ва уларнинг жанговарлик қобилиятини ошириш лозим.

Область партия ташкилотлари,— дейди ўртоқ Нуриддинов, — ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади-тезисларини муҳокама қилиш вақтида меҳнаткашлар томонидан илгари сурилган таклифларни синчиклаб ўрганишлари ва умумлаштиришлари лозим. Шу асосда қайта ташкил этишнинг колхозларга моддий-техника ёрдами кўрсатишнинг мукаммал ва мақсадга мувофиқ формаларини топиш зарур.

Шундан сўнг ўртоқ Нуриддинов пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши томонидан қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига қўйилган вазифаларга тўхталди.

Ўзбекистон ССР делегацияси, дейди у, республикадаги барча меҳнаткашлар номидан бу йил Ватанга камида уч миллион тонна, 1965 йилда эса тўрт миллион тонна пахта бериш мажбуриятини олди.

Бу вазифани бажаришда Тошкент области катта роль ўйнаши керак. Область меҳнаткашлари 1958 йили 475 минг тонна, 1965 йили эса 720 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга топширишга сўз бердилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш программасини амалга ошириш йўллари аниқ ва равшан кўрсатиб берилди.

Бу, биринчидан, кам ҳосилли колхоз ва совхозларни, бригада ва звеноларни ўрта ва илғор колхозлар ва совхозлар, бригада ва звеноларнинг даражасига кўтаришдан иборат.

Ўтган йили областдаги 113 пахтакор колхоз ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда давлатга 18,5 центнердан пахта топширди. Кўпчилик пахтакор совхозларда аҳвол бундан ҳам ёмон бўлди.

Докладчи айрим районлар, кўпчилик колхоз ва совхозлар бир хил шароитга эга бўлишларига қарамай, турлича ҳосил олаётганликларини аниқ мисоллар асосида кўрсатди. Масалан, Калинин районидаги пахта экувчи колхозлар Ўтган йили қўшни Оржоникидзе районидаги колхозлардагига қараганда ҳар гектар ердан 10,2 центнер кам ҳосил олинди, Мирзачўл райони эса қўшни Гулистон районидагига қараганда давлатга ҳар гектар ердан 3,18 центнер кам пахта топширди.

Шу йилнинг январь ойида область партия комитети ва область ижроия комитети район партия комитетлари ҳамда район ижроия комитетлари билан биргаликда иқтисодий жиҳатдан кучсиз ва камҳосилли колхозлар ҳамда совхозлардаги ишнинг аҳволи билан танишдилар, уларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар белгиладилар. Аммо, бу фойдали тадбирлар кўп ҳолларда қоníқарсиз амалга оширилмоқда.

Шуни назарда тутиш керакки, деб уқтирди докладчи, кам ҳосилли колхоз ва совхозларни ўрта даражадаги ва илғор колхоз ҳамда совхозлар қаторига кўтариш бизнинг пахта етиштиришни қўпайтиришдаги муҳим резервимиздир.

Қилинган ҳисобдан маълум бўлишича, ана шу хўжаликларда ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини ҳеч бўлмаганда 20-22 центнерга етказиш қўшимча равишда 45-50 минг тонна пахта олишга имкон беради.

Иккинчи муҳим резерв пахтачиликка комплекс механизацияни тезроқ жорий қилиш ва даставвал ҳамма жойда чигитни режа сими билан квадрат-уялаб экишга ўтиш ва ғўзага механизмлар ёрдами билан икки томонлама ишлов беришдан иборатдир.

Бу йил пахта майдонининг ярмига чигитни ана шу усул билан экиш, 170 минг гектар ердаги ғўзага механизмлар ёрдами билан икки томонлама ишлов бериш керак.

Шундай бўлгани ҳолда бир қатор районларда ва колхоз ҳамда совхозларда бу тадбирни амалга ошириш юзасидан тайёргарлик қониқарсиз бормоқда. Ваҳоланки, экишни бошлашга саноқли кунлар қолди.

Колхоз ва совхозларда пахта экиладиган майдонларни ажратиш ва бурчакларни тўғрилаб олиш ҳанузгача тамомлангани йўқ, экиш агрегатларининг экипажларини амалда ўқитиш ҳамма жойда ҳам ташкил қилингани йўқ, бунинг устига улар шу вақтга қадар тўла комплектланмаган.

Текширишда шу нарса аниқландики, иқтисодий жиҳатдан камқувват, кам ҳосилли колхозлар, шунингдек янгидан ташкил қилинган совхозлар экишга ҳаммадан ёмон тайёрлик кўрмоқдалар.

Бу ҳол район партия комитетлари ва район ижроия комитетларини, шунингдек область қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳамда область совхозлар трестини жиддий ташвишлантириши керак.

Тажриба шуни кўрсатдики, пахтачиликни комплекс механизациялашда трактор-далачилик бригадаларининг роли каттадир. Областда ҳозирнинг ўзидаёқ 260 та ана шундай бригада ташкил қилинди. Бу яхши, албатта. Аммо шуни айтиш керакки, Оржоникидзе, Янгийўл, Боёвут, Пискент, Чиноз районларининг МТС, совхоз ва колхозларида трактор-далачилик бригадаларини ташкил қилиш кетинга силтанмоқда. Барча колхоз ва совхозларда, биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан заиф хўжаликларда ана шундай бригадаларни ташкил қилишга ҳадил киришиш керак.

Докладчи пахтачиликни комплекс механизациялаш ҳақида гапирар экан, ҳосилни машина билан териб олишга тайёрлик кўриш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

Пахта етиштиришни кўпайтиришнинг учинчи муҳим резерви — пахта майдонларини янада кенгайтириш, сув хўжалиги қурилишини, айниқса ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан иборат.

Кўпгина район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари қўшимча пахта экиш тўғрисидаги топшириқни колхоз ва совхозларга етказган ҳолда, уларга янгидан суғориладиган ерларни ўзлаштиришда ёрдам бермадилар. Айниқса бу соҳада Мирзачўл группаси районларида, Октябрь, Пискент районларида ёмон аҳвол юз берди.

Яқин кунлар ичида янги ва партов ерлар ўзлаштириши назарда тутилган ҳар бир хўжаликдаги ишнинг аҳволини аниқлаш ва ана шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан қабул қилинган қарорнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан чоралар кўриш лозим.

Эскидан экин экилиб келинаётган зоналарда, айниқса Боёвут, Сардоба ва Шўрўзак массивларида умуман Мирзачўл группасидаги районларда, шунингдек Бўка, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Чиноз ва Октябрь районларидаги бир қатор колхозларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Докладчи область сув хўжалиги бошқармаси, «Главголодностепстрой», «Ўзсовхозстрой» ва бир қатор машина-экскаватор станциялари директорларининг ишини танқид қилди, яқин вақт ичида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан белгиланган барча ишларни бажариш лозимлигини кўрсатди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев кўрсатганидек, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўйилган вазифани муваффақиятли ҳал қилиш учун селекция ва пахта уруғчилиги масаласи билан шуғулланиш, янги, энг мукаммал машиналар яратиш керак.

Фан ходимлари, конструкторлар ва саноат корхоналарининг коллективлари олдида янги, катта вазифалар турибди. Ҳар бир уяга талаб қилинган миқдордаги чигитни ташлайдиган энг мукаммал янги селлка яратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш вазифасини яқин вақт ичида ҳал қилиш керак. Шу билан бир қаторда уруғлик чигитни туксизлантириш, саралаш ва калибровка қилиш масаласини тезроқ ҳал этиш лозим. Токи кетмонни ғўзани парваришлашда ишлатиладиган қуроллар қаторидан сиқиб чиқариш, пахтакорларнинг меҳнатини енгиллаштириш, яқин йиллар ичида янги чопиқ тракторлар ва уларга тиркаб ишлатиладиган культиваторлар яратишга муваффақ бўлайлик.

Мавжуд пахта териш машиналаридан кенг фойдаланиш билан бир қаторда янги, энг мукаммал конструкциядаги пахта териш машиналарини яратиш ишини бутун чоралар билан кучайтириш лозим.

Ана шу масалаларнинг ҳаммаси Халқ хўжалиги кенгаши, шаҳар партия комитетлари ва қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқараётган саноат корхоналари партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

Область колхозлари ва совхозлари томонидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларда чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни бирмунча кўпайтириш назарда тутилади.

Шундан сўнг ўртоқ Нуриддинов бу йил гўшт етиштиришни 5,8 минг тоннага, сут етиштиришни 14,5 минг тоннага, тухум етиштиришни 4,9 миллион донага, картошка, сабзавот ва полиз экинлари ҳосили етиштиришни бирга қўшиб ҳисоблаганда 43,2 минг тоннага кўпайтириш мўлжалланаётганлигини айтди. Луб экинлари ҳосилини 120 минг тоннага ва пилла ҳосилини 900 тоннага етказиш керак. Шунингдек, ем-хашак экинлари етиштиришни ҳам кескин равишда кўпайтириш лозим.

Экишни бошлашгача қолган кунлар ичида ҳар бир колхоз, совхоз ва МТСда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

Биринчидан, 5-6 кун ичида ҳар бир колхоз ва совхоздаги, бўлим, далачилик ва трактор бригадасидаги ишнинг аҳволини аниқлаш, уларнинг экишга тайёрлик даражасини текшириб кўриш, барча мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш лозим.

Иккинчидан, асосий эътиборни колхоз ва совхозлардаги мавжуд техника, механизмлар ва меҳнатга қобилиятли аҳолини далаларни текислаш ва ерни экишга тайёрлаш ишига жалб этишга, шунингдек бу йил экин экиладиган янги ерларни ўзлаштириш ишига максимал равишда сафарбар этишга қаратиш зарур.

Учинчидан, 4-5 кун ичида колхоз ва совхозларга уруғлик чигитни ташиб олишни тугаллаш, шу билан бир қаторда уни имкони борича дориланадиган ва ивитиладиган жойларга тўплаш лозим. Чигит ивитадиган барча чуқурларни ремонт қилиш ва зарур топилганда ҳолда қўшимча чуқурлар қазиш керак. Шундай қилиб, экиш вақтида етарли миқдорда ивитилган чигит бўлишини таъминлаш зарур. Ҳозирнинг ўзидаёқ экиш вақтида уруғлик чигитни етказиб берадиган махсус транспорт ажратиш ва уни экиш агрегатларига биркитиб қўйиш керак.

Тўртинчидан, фақат колхоз ва совхозлардагина эмас, ҳатто ҳар бир далачилик бригадасида ёнилғининг зарур запасини вужудга келтириш лозим, токи тракторларни иш процессида заправка қилиб туришга имкон туғилсин.

Бешинчидан, далада ремонт қилишни ташкил этиш ва трактор бригадаларига кеча-кундуз хизмат кўрсатиш, устаноналар ишини ташкил қилиш, уларни керакли запас қисмлар билан таъминлашни яхшилаш ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Олтинчидан, чигит экиш учун ҳар бир қулай соатдан фойдаланиш мақсадида механизатор кадрларни ва экиш агрегатларининг экипажларини маълум бир жойга тўплаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шу мақсада ётоқхоналар учун бинолар тайёрлашга тезда киришиш, уларни кроватлар, кўрпа-ёстиқ билан таъминлаш, радиоприёмниклар ва телевизорлар ўрнатиш, иссиқ овқат ташкил қилиш талаб этилади.

Еттинчидан, ҳар бир колхоз ва совхоз экиш даври учун иш планига эга бўлиши, унда айрим тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш учун жавобгар бўлган конкрет шахслар кўрсатилиши лозим.

Чигит экишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақтида иқтисодий жиҳатдан заиф ва ҳосилдорлик жиҳатидан орқада қолаётган колхоз ва совхозларга, далачилик бригадалари ва совхозларнинг бўлимларига алоҳида эътибор бериш, уларга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари уруғини тез ва юқори сифатли қилиб экишда ҳаммадан олдин зарур ёрдам кўрсатиш лозим.

Қишлоқда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни тубдан яхшиламасдан ҳамда барча кадрлар ўртасида меҳнат, давлат ва партия интизомини мустаҳкамламасдан туриб, дейди докладчи, олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш, КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми ва пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашининг пахта ва бошқа экинлар ҳосилини, чорвачилик маҳсулотини кескин равишда кўпайтиришга қаратилган қарорларини бажаришни таъминлаш ҳақида ўйлаш мумкин эмас.

Олган мажбуриятимизнинг сўзсиз бажарилиши — партия ташкилотимиз учун, областдаги барча меҳнаткашлар учун, биринчи навбатда раҳбар кадрлар учун жиддий синов бўлади. Шунинг учун ҳар бир ходим ўзига топширилган участка учун юксак жавобгарликни ҳис қилиши керак.

Областимиз пахтакорлари, дейди ўртоқ Нуриддинов ўз докладининг охирида, Андижон, Ленинобод ва Жанубий Қозоғистон областларининг пахтакорлари билан бир неча йиллдан буён мусобақалашиб келмоқдалар. Мусобақадошларимиз бизга катта ёрдам кўрсатмоқдалар ва областимиз қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятларда уларнинг катта ҳиссаси бор.

Шубҳа йўқки, бу йил бизнинг мусобақамиз янада кенг тус олади ва олган мажбуриятларимизни бажаришда бизга катта ёрдам беради.

Мен, биз билан мусобақадош областларнинг вакилларига бу йил ўз зиммамизга олган юксак мажбуриятларни шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз ва орденли Андижон области меҳнаткашлари муяссар бўлгани каби юксак баҳо олиш ҳуқуқига эга бўламиз деб айтсам, йиғилишнинг барча қатнашчилари фикрини баён қилган бўламан, деб ўйлайман.

Ўртоқ Нуриддинов КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтириб айтдики, область партия ташкилоти, областнинг барча меҳнаткашлари партия XX съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари томонидан олдинга сурилган вазифаларни бундан кейин ҳам сабот-матонат билан амалга оширадилар.

Ўртоқ Нуриддинов доклади юзасидан бошланган қизғин музокараларда биринчи бўлиб Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **Хўжаев** сўзга чиқди. Нотиқ КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезисларида ленинча кооператив планини амалга ошириш йўлида совет халқи эришган тарихий ғалабалар ўз ифодасини топгани ва Совет Иттифоқи социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш йўллари белгилаб берилганлиги ҳақида гапирди.

Тошкент шаҳрининг саноати қишлоқ хўжалигини ва биринчи навбатда пахтачиликни энг янги машиналар, асбоб-ускуналар, запас қисмлар билан тобора кўп миқдорда таъминламоқда. Шаҳардаги машинасозлик заводларида ҳозир чигит экадиган сеялкалар, пахта териш машиналари, экскаваторлар, землесослар, гидронасослар, донни тозаловчи машиналар, ер текисловчи машиналар ва тракторлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шаҳар корхоналари ва муассасаларининг МТС, совхоз ва колхозларга оталик ёрдами йил сайин яхшиланмоқда. Корхоналар қишлоққа бошланғич партия ташкилотлари ишини яхшилашда, қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва оғир иш процессларини енгиллаштиришда, электрлаштиришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқдалар.

Тошкент шаҳри саноат корхоналарининг коллективлари Тошкент областининг колхозлари учун яқин вақт ичида 33 та стационар ремонт устаноналари, 66 та авторемонт передвижкалари ва Хоразм областининг оталиқдаги районлари учун 6 та устахона ҳамда 6 та авторемонт передвижкалари ташкил этиш ва уларни жиҳозлашга қарор қилдилар. Колхозлар учун 450 комплект асбобларнинг стандарт наборини тайёрлаш, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар ишлаб чиқариш планини бирмунча ошириб бажариш назарда тутилмоқда ва ҳоказолар.

Илмий-текшириш институтлари ва олий ўқув юртларининг коллективлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми материалларини ва пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши якунларини муҳокама қилар эканлар, колхоз ва совхозларга уларнинг олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда ёрдамни кучайтириш мақсадида ўзларининг тематик иш планларини қайта қараб чиқмоқдалар.

Тошкент шаҳрининг партия ташкилоти, дейди ўртоқ Хўжаев, КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини бажариш учун актив кураш олиб борали ва ўзбек халқининг 1958 йилда 3 миллион тонна пахта етиштириш учун олиб бораётган курашига ўзининг ҳиссасини қўшади.

Мирзачўл район партия комитетининг секретари ўртоқ **Укубоев** сўз олади. У, КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини яни босқичга кўтариш ва колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш учун янги шароит яратиб берди, деб кўрсатди.

Ўртоқ Укубоев район колхозлари кўклам экишига қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида батафсил гапириб берди. У совхозларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олмаётганлиги учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигини ва Сардоба массивини ўзлаштириш ҳақида чинакам ғамхўрлик қилмаётганлиги учун область қишлоқ хўжалик бошқармасини танқид қилди.

Шундан сўнг «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Турсунқулов** сўзлади.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорлари, — дейди у, — ҳозирги шароитнинг талабларига мос ва турмуш томонидан олдинга сурилган масалаларнинг ифодасидир. МТСлар кўп иш қилдилар. Бироқ колхозлар ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамланган, уларнинг экономикаси юксалган ҳозирги шароитда ишлабчиқариш-техника хизмати кўрсатишнинг мавжуд формаси қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг талабларига мувофиқ келмай қолди.

Ўртоқ Турсунқулов МТСлар дала ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш, мавжуд техникадан яхши фойдаланиш ҳақида ғамхўрлик қилмаганликларига таллуқли бир қатор мисолларни келтирди.

Ўртоқ Турсунқулов пахта ҳосилининг отбор сортини терадиган янги машиналар яратиш, мавжуд пахта териш машиналарининг конструкциясини яхшилаш лозимлиги масаласини кўтаради.

Андижон область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳайдаров** партия активи йиғилишининг қатнашчиларига табрик сўзлари билан мурожаат қилди.

У, Андижон областининг меҳнаткашлари бу йил саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган муваффақиятлар ҳақида гапирди, мусобақа давомида ёрдам кўрсатганликлари учун Тошкент областининг пахтакорларига ташаккур изҳор қилди. Тошкентликларнинг ўзаро текшириш бригадалари андижонликлар билан ўзларининг тажрибаларини ўртоқлашиб, пахтачиликдаги камчиликларни бартараф қилишнинг тўғри йўлларини топишда ва мўл ҳосил етиштиришда ёрдам бердилар.

Андижон областининг меҳнаткашлари, дейди нотиқ, олий мукофотдан руҳланган ҳолда бу йил 460 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга топшириш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

«Ўзбексельмаш» заводининг директори ўртоқ **Стикайло** КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорлари машинасозлар зиммасига катта масъулият юклаганлиги ҳақида гапиради.

— Биз, — дейди у, — колхозларни юқори сифатли, арзон ва мукаммал машиналар билан таъминлашимиз лозим. Эндиликда колхозлар машиналари бевосита заводнинг ўзидан сотиб олишлари мумкинлигини ҳисобга олиб, бизнинг машиналаримизга бўлган талаб ошишини таъминлашга бутун кучимизни сарфлашимиз лозим.

Ўртоқ Стикайло машиналарнинг проектини ишловчи конструкторлик бюролари ўз олдига, заводлар эса ўз олдига иш кўраётганлиги каби нормал бўлмаган аҳволни кўрсагиб ўтади.

Менинг фикримча, дейди нотиқ, машиналарнинг конструкциясини бевосита заводларда яратиш керак. Заводлар кучли конструкторлик бюроларига эга бўлишлари лозим. Заводлар машиналарнинг конструкцияси, сифати ва баҳоси учун ҳам жавоб беришлари зарур. Конструкторлик бюролари (мисол учун, Пахтачилик бўйича махсус давлат конструкторлик бюроси) ўрнига янги машиналар яратишнинг назарий проблемалари билан шуғулланувчи илмий-текшириш институти барпо этиш, машиналарнинг конструкциясини яратиш билан бевосита шуғулланиш ишини эса заводларга топшириш лозим.

Ўртоқ Стикайло пахтакорларнинг кенгашида ўртоқ Н. С. Хрушчев машинасозлар олдига аниқ миқдордаги чигитни бир текис экувчи пахта сеялкалари яратиш вазифасини қўйганлигини эслатади. Ҳозир ана шундай экиш аппарати нусхасини тайёрлаш иши тамомланаётир.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари ўртоқ **Атабеков** колхозчилар КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини юксак кўтаринки руҳ билан қарши олганликлари ҳақида гапирди. Райондаги иқтисодий жиҳатдан бақувват «Ленин йўли», Ленин номли, Куйбишев номли колхозлар ҳозирнинг ўзидаёқ МТСдан техникани сотиб олдилар. Бу колхозлар инженер-техник, шунингдек механизатор кадрлар билан таъминланди.

Ўртоқ Атабеков техникани сотиб олган колхозлар ундан фойдаланишда дуч келаётган қийинчиликларга тўхталиб ўтди. Ана шу колхозлар энг зарур запас қисмлар, асбоблар, гайка ва болтларга эга эмаслар. Стационар устаноналар ва станоклар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ёнилғи учун цистерналар, машиналар учун саройлар керак. Буларнинг ҳаммасини қуриш ва сотиб олиш лозим.

Колхозларни энг зарур запас қисмлар билан таъминлаш, улар учун автопередвижкалар ташкил қилиш ва уларни жиҳозлаш ҳақида қайғириш зарур. Оталик қилувчи ташкилотлар колхозларга устаноналар ташкил қилиш ва уларни керакли асбоб-ускуналар билан таъминлашда ёрдам беришлари керак.

Район пахтакорлари, дейди сўнгра ўртоқ Атабеков, пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши якунларини муҳокама қилиб, илгари олинган мажбуриятларни қайта қараб чиқдилар ва янги оширилган мажбуриятлар олдилар. «Ленин йўли» колхозининг аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бу йил 2100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан илгари назарда тутилган 30 центнер ўрнига 32 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилдилар. Бошқа колхозларнинг аъзолари ва Киров номли совхознинг ишчилари улардан ибрат олдилар.

Колхозчилар меҳнат уюшқоқлигини оширганлари ҳолда пахтакорлар томонидан Кремлда берилган ваъдани бажариш учун механизмлар ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш имкониятини берадиган чораларни кўрмоқдалар.

Трибунада Чирчиқ электрохимия комбинати партия комитетининг секретари ўртоқ **Ёқубов.** У шаҳар меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини муҳокама қилиб, якдиллик билан маъқуллаётганликлари ҳақида гапиради. Комбинат коллективи билан қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўртасида мустаҳкам дўстлик вужудга келган. Химиклар минерал ўғит ишлаб чиқаришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Комбинат коллективи республика пахтакорларига бу йил уч миллион тонна пахта етиштиришда ёрдам бериш мақсадида ўтган йилдагига қараганда 21,7 процент кўпроқ ўғит ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Ўғитнинг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Калинин район партия комитетининг секретари ўртоқ **Мажидов**га сўз берилади.

Район меҳнаткашлари, дейди у, КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларини амалга ошириш, пахтачилик, сабзавотчилик ва чорвачиликни кескин равишда ривожлантириш учун фидокорлик билан курашиш туйғуси билан тўлиб тошганлар. Район колхозлари бу йил ўтган йилдагига қараганда 10 минг тонна кўп картошка, сабзавот ва полиз экинлари ҳосили етиштириш, мамлакатга гўшт, сут ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бирмунча кўп етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Жанубий Қозоғистон область партия комитетининг секретари ўртоқ **Байгалиев** актив йиғилиши қатнашчиларига ва областнинг барча меҳнаткашларига Қозоғистон меҳнаткашлари номидан қизғин салом топшириб уларнинг энг яхши тилакларини изҳор қилди.

— Жанубий Қозоғистон областининг меҳнаткашлари, — деди у, — Ўзбекистон пахтакорларининг ютуқларини қувонч билан кузатиб бормоқдалар.

Қозоғистонда ҳам Ўзбекистон пахтакорларига ибрат бўларли ишлар бор. «Пахтаорол» совхози бутун мамлакатда машҳур. Бу совхозда кейинги беш йил ичида ҳар гектар ердан 32,6 центнердан ҳосил олиб келинмоқда. Ана шу даврда совхоз давлатга 58,5 миллион сўм фойда келтирди. Бу ерда ҳосилнинг кўп қисми машина билан териб олинади.

«Прогресс», «III интернационал», Омонгелди номли, «Путь к коммунизму» колхозлари ҳар йили гектаридан 35 центнердан пахта етиштириб келмоқдалар. Ильичев районидаги «Путь к коммунизму» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ли Гим Нен бошлиқ бригадаси икки йилдан буён 118 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олаётир.

Бу хўжаликлар пахта етиштиришнинг илғор методларини ишлаб чиқаришга сабот-матонат билан жорий қилаётганликлари туфайли юқори ҳосил олмоқдалар.

— Мусобақадош ўртоқлар, — дейди ўртоқ Байгалиев, — мен шу нарсани қувонч билан айтмоқчиманки, бу йил биз ўз олдимизга ҳар гектар ердан Ўзбекистон пахтакорларига нисбатан кўпроқ ҳосил олиш вазифасини қўйганмиз.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Жалилов** ўз сўзида пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида олинган мажбуриятни бажариш учун ҳосилдорликни бирмунча оширишни таъминлаш, партов ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кенгайтириш лозимлигини уқдириб кўрсатди. Шу мақсада область колхоз ва совхозлари 14 минг гектар янги ерни ўзлаштиришлари ва қарийб 13 миллион кубометр ҳажмидаги ер ишларини бажаришлари керак. Аммо, ирригация-мелиорация ишлари суст олиб борилмоқда.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Главголодностепстрой» ер қазувчи машиналарнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш юзасидан етарли чоралар кўрмадилар, Механизмлардан тўла фойдаланилмаётир, улар техник сабаблар билан бекор турмоқдалар.

«Фарҳод», «Дружба» ва «Гулистон» совхозларида гидротехник иншоатлари қуриш ишининг аҳволи ташвишга сабаб бўлмоқда. Область сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Полвонов ва «Главголодностепстрой»нинг бошлиғи Саркисов ўртоқлар экиш бошлангунча ана шу совхозларда барча мелиоратив ва қурилиш ишларини тамомлаш учун ҳамма чораларни кўришлари зарур.

Сўнгра ўртоқ Жалилов Туябўғиз ва Турк сув омборлари қурилишини, Тошкент каналини реконструкция қилишни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни кучайтириш вазифаларига муфассал тўхталиб ўтди.

Сўнгра сўз олган 1-«Боёвут» совх

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш ишини кўкламги экишга пухта тайёрланиш билан боғлаб олиб борайлик!

☆ ☆

Техника ўз қўлимизга ўтгандан сўнг

Колхозимиз аъзолари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорини қизғин кутиб олдилар. Бу ҳаётий ҳужжат колхоз тузумини янада ривожлантиришнинг янги жанговар программасидир. Биз бу қарор асосида ишни қайтадан ташкил қилдик. МТСдан колхозимиз учун керакли барча техникани сотиб олдик. Колхозимиз МТС дан 10 та ҳайдов трактори, 32 та универсал, 16 та сеялка, 20 та культиватор ва колхоз учун зарур бўлган бир қанча қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олди. Энди техника ўз қўлимизда. Техника воситаларига бўлган икки ёқлама эгалик, механизаторларнинг запас қисмлар, ёқилғи, машиналарнинг айрим деталлари учун МТС билан колхоз ўртасида юз берадиган беҳуда оворагарчиликлар, исрофгарчиликлар бундан кейин бўлмайди.

Ҳозирда колхозимизда техникани жорий ремонт қилиш устахонаси ташкил қилинмоқда. Устахонада токарлик, слесарлик станоклари, ремонт учун зарур инструментлар бўлади. Механизаторлар устахонадан запас қисмлар, ёқилғи ва қишлоқ хўжалик машиналарининг истаган деталларини хоҳлаган пайтларида олишлари мумкин. Колхоз правлениесининг қарори билан барча техника воситаларининг бу йилги жорий ремонти, ёқилғиси ва запас қисмлари учун бўлинмас фонддан ярим миллион сўм пул ажратилди. Ҳамда устахонада колхоз техникасини нормал ишлашини таъминлаб туриш учун тўртта штатли ишчи ўрни белгиланди. Буларнинг бири устахона инженери, иккинчиси ёрдамчи инженер, иккитаси эса станок бошқарувчилари бўлиб хизмат қиладилар. Колхоз малакали техника кадрларига эга. 63 тажрибали трактористчи, 10 та якин механиклар колхозга аъзо бўлиб кирдилар. Улар энди ўзлари бириктирилган участкаларга меҳр қўйиб ишлайдилар.

Республикамизгаги айрим колхозлар қатори биз ҳам 3 та трактор далачилик бригадаси ташкил қилдик. Бу трактор далачилик бригадаларига механизаторлардан Байзаков, Сафаров, Жуманов ўртоқларни бригада бошлиқлари қилиб тайинладик. Уларнинг ҳар бирига 150 гектардан ер, 4 тадан универсал, 2 тадан сеялка, 4 тадан культиватор ва бир қанча керакли қишлоқ хўжалик инвентарлари бириктирилди. Трактор далачилик бригадаларида ҳар бир универсалчи звено бошлиғи бўлиб ишлайди. Звено аъзолари 50 гектар ерга чигитни ўзлари экиб, ўзлари парвариш қилишга, бу ишни эса, фақат битта универсал ёрдами билан бажаришга сўз бердилар. Ҳозирда трактор далачилик бригадалари ўртасида социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Бу бригадалар гектаридан 35 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олиб, ҳосилдорликни ўтган йилгига нисбатан ҳар гектаридан 8 центнергача оширишга аҳд қилдилар. Пленум қарорининг амалга оширилиши колхоз экономикасини янада юксалтиришга кенг йўл очиб беради. Техниканинг ўз қўлимизда бўлиши ўртоқ Тюпко тажрибасини кенг қўллаш, кетмонсиз ишлаш имкониятини беради. Ўтган йили колхознинг бир центнер пахтани етиштириш учун 6,4 тадан меҳнат куни сарфлаган эди. Бу йил янги методни, кетмонсиз 2 ёқлама парвариш қилишни кўзда тутганимиз ҳолда 27 минг меҳнат кунини тежашни, бир центнер пахтанинг ўртача таннархини 20 процентга, унга сарф қилинадиган меҳнат кунини эса 15 процентга камайтиришни планлаштирдик.

Бу йил колхозимизга Жданов номли колхоз қўшилиб, экин майдонимиз янада кенгайди. Биз бу йил барча экин майдонимизнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда 600 гектар ерга 50х50 схемасида, қолган минг гектар ерга эса 60х50 схемасида чигит экдик. 60х50 схемасида ўстирилган ғўзани кўндалангига кесиб, икки томонлама ишлашга мослаштирамиз. Шу кунларда колхоз далаларида экиш кампаниясига тайёргарлик қизитиб юборилган. Ерга солиш учун қишда тайёрлаб қўйилган 6200 тонна маҳаллий ўғит минерал ўғитларга аралаштирилиб шудгорларга сочилмоқда, экин майдонлари борона қилинмоқда. Экиш кампаниясига 15 та чигит экиш агрегати тахт қилиб қўйилган.

Бригадалар, звенолар ўртасида бу йил колхоз бўйича 33 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди.

М. МУҲАММАДЖОНОВ,

Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхоз раиси.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик фанлари Академияси сабзавотчилик тажриба станцияси сабзавот экинлари ҳосилини ошириш, сифатини яхшилашда эришган ютуқларини доим колхозларга тавсия қилиб келаётир. **Суратда:** карам кўчатлари тувакчаларда ўстирилмоқда. Олдинги планда илғор ишчи **Ҳ. Дўсматова** тайёрланган тувакчаларни далага жўнатишга ҳозирламоқда.

В. Салов фотоси.

Ҳамкорликда

Сталин номли колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини қизғин маъқуллаб бир неча трактор, универсал ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олган эдилар. Техника колхознинг ўз қўлига ўтгач, ундан унумли фойдаланиш тадбирлари амалга оширилаётир. Колхозчилар механизациядан кенг фойдаланиб, экин майдонларини кенгайтириш, пастбаландликларни текислаш, бороналашни янада қизитиб юбордилар.

Бу ерда маҳаллий ўғит тўплашга ҳам алоҳида аҳамият берилянти. Ҳозиргача далада 12 минг тоннага яқин ўғит ташиб чиқарилди. Колхоз аъзолари пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган кенгаши тадбирларини амалга ошириб, ҳар гектар ердан камида 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

«Шарқ юлдузи» колхозида бу йил 700 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилади. Колхозда бунга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Пахта МТСининг инженери Ўртоқ Ш. Ҳайдаров раҳбарлигида квадрат-уялаб чигит экиш учун ажратилган барча экин майдонлари карталарга ажратилиб, қозиқлар қоқиб чиқилди.

Октябрь районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари ҳам бу йил гектаридан олинадиган ҳосилни ўтган йилдагига қараганда бирмунча ошириш учун дала ишларини кучайтириб юбордилар. Колхозчилардан Малумарова, Йўлдошева, Валижонова каби ўртоқлар ер текислаш, далага ўғит ташиб чиқаришда ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар. Бу ишларнинг сифатли бажарилишида юқоридаги колхозларга механизатор — бульдозерчи, скреперчилар самарали кўмаклашмоқдалар.

Т. ИМОМОВ, Т. ЖУРАБОЕВ, Х. МАДАЗИМОВ, А. НУРМАТОВ.

Экишга пухта тайёрланмоқдалар

Сирдарё районининг илғор колхозларида кўклам дала ишлари қизғин бормоқда, улар экиш кампаниясига уюшқоқлик билан киришиш учун курашмоқдалар.

«Ёш ленинчи» колхози аъзолари бу йил 400 гектардан ортиқ ерда ғўзани квадрат-уялаб парвариш қилишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Далага кўплаб ғўғ чиқаришда И. Акбаров, М. Асқаров, С. Дўстқулов, А. Саидқуловлар, ерларни бороналашда Х. Норқулов, Ш. Мамадалиевлар айниқса ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар.

Охунбобоев номли колхознинг ўтган йили 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 35,5 центнердан ҳосил олган И. Холиқов бошлиқ бригада аъзолари айниқса кўклам дала ишларига уюшқоқлик билан киришдилар. Улар далага 1012 тонна ғўғ ташиб чиқардилар. Бригаданинг М. Ашурматов, М. Исмоилова, Қ. Мелиқулова, Ғ. Эралиев каби колхозчилари кунлик нормаларини 1,5-2 ҳиссага етказиб бажараётирлар.

Сталин номли колхоз пахтакорлари барча майдонларни чигит экишга сифатли тайёрлаш билан бирга карта четлари, уватларда, бедапояларда ғўза зараркунандалари пайдо бўлмаслиги учун шу кунларда авиация ёрдамида дори сепмоқдалар. Шу мақсадда колхозда 17 тоннагача яқин заҳарли дорилар ташиб келтирилди. Ҳозиргача 250 гектар бедапояга дори сепилди.

Шунингдек Тарас Шевченко номли, «Ленинизм» колхозларида ҳам дала ишлари қизғин бормоқда.

Х. АНДАҚУЛОВ, Н. МУҲИДДИНОВ, А. КУЧАРОВ, Ч. ИЛЁСОВ, И. АКАЕВ, Х. ФАЙЗИЕВ.

☆ ☆

Илғор бўлимлар ташаббуси оммалаштирилмаётир

Пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг мажбурияти барча қишлоқ хўжалик ходимлари қатори 1-«Оҳангарон» совхозининг 3-бўлим ишчиларини ҳам мўл ҳосил етишгириш учун курашга илҳомлантириб юборди. Улар кўклам дала ишларини ҳар тарафлама кўчайтириб юбордилар. Бўлимда суғориш шохобчалари тартибга солинди. Ҳар гектар ерга 10-12 тоннадан мўлжаллаб маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Пахта майдонлари, шунингдек маккажўхори, картошка, сабзавот экинлари экиладиган ерлар сифатли борона қилиб қўйилди. Шу кеча-кундузда тўла гектар бўлиши учун увотлар, кераксиз йўллар, ариқ чекалари текисланиб пахта майдонига қўшилмоқда.

Ишчи ва механизаторлар Тюпко методини қизғин маъқулламоқдалар. Илгари бўлимда бешта бригада бор эди. Ҳозир эса бу бригада ерлари яхшитлаштирилиб, учтага келтирилди. Бўлимда колонна механиги ўртоқ Эламас Ўтбосов биринчи бўлиб Тюпко ҳаракатига қўшилди. У ўз зиммасига бригада бошлиғи вазифасини олиб, бу йил 50 гектар пахта, 50 гектар маккажўхори, 15 гектар сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш ҳақида ваъда берди. Бригада аъзолари ҳамма ерга чигит ва бошқа экинларни квадрат-уялаб экиш, узунасига ва кўндалангига парвариш қилиш, кетмон ишлатмасдан туриб, фақат механизация ёрдами билан юқори ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Ана шу мақсадда карталар яхлитлаштирилди, квадрат-уялаб экишга тахт қилиб қўйилди. Универсалчи ва сеялкачиларнинг беш кунлик семинари ўтказилиб, уларга ғўза ва бошқа экинларни квадрат-уялаб парвариш қилишнинг йўллари тўла тушунтириб берилди. Эндиликда далада амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

— Ҳар гектар ердан, — дейди бўлим бошлиғи, — 25 центнердан пахта, 250 центнердан маккажўхори кўкпояси етиштирамиз. Экишдан тортиб то ҳосил йиғиб олингунча қилинадиган ишларни механизация ёрдами билан бажарамиз. Биз кам меҳнат сарфлаб, кўп ҳосил олиш учун курашамиз.

Ўртоқ Ўтбосов бригадаси аъзолари 2-«Оҳангарон» совхозининг ўртоқ Нормат Холматов бошлиқ бригада коллективини мусобақага чақирганлар. Механик ўртоқ Холматов ҳам комплекс бригаданинг бошлиғи бўлиб, 125 гектар ерда ғўзани квадрат-уялаб ўстириш ва ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш ҳақида шартнома тузган. Бригаданинг моҳир механизаторларидан Ҳошим Умаров 20 гектар ерда ўз универсали ёрдами билан юқори ҳосил етиштириш учун курашмоқда. У ҳам тюпкочилар ҳаракатининг ташаббускорларидан биридир. Коммунист ўртоқ Ҳошим Умаровнинг бу ҳаракатини бригада аъзолари ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда. Мазокиров, Ёқубов ўртоқлар каби механизаторлар ҳам Тюпко тажрибаси асосида ишламоқчи эканликларини билдириб ариза ёзганлар.

Ҳар иккала совхознинг анд шу мусобақадош бригадаларида бошланган ташаббус, далаларда қилинаётган фидокорона меҳнат кишини қувонтиради. Лекин, иккала совхоз раҳбарлари ҳам илғорларнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлашга, бошқалар ўртасида кенг ёйишга етарли аҳамият бермаётирлар. Совхозларнинг қатор бўлимларида чигит экиш кампаниясига саноқли кунлар қолганлигига қарамай дала ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмаётир. Ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, техникани ремонт қилиш, сеялкаларни янги усулга мослаштириш ишлари ғоятда қониқарсиз аҳволда. Айниқса, Ўртоқ Ғани Йўлдошев директор бўлган 2-«Оҳангарон» совхозида аҳвол ачинарли. Пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган кенгаши қатнашчилари қабул қилган мажбуриятда бу йил областимизда пахта ерларини 10 минг гектарга кўпайтириш кўзда тутилган. Бу совхоз эса 500 гектар қўриқ ер очиши ва уни экин майдонига айлантириши керак эди. Афсуски, янги ерларни ўзлаштиришга ҳалигача киришилгани йўқ. Бунинг асосий сабаби шундаки, совхоз раҳбарлари мавжуд механизациядан тўла фойдаланишга эътибор бермаётирлар. 15 дан ортиқ трактор шу кунга қадар ўринсиз сабаблар билан ишга туширилмаган. Тракторлар бир кун ишласа, 2 кун бекор туради. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, совхоз бўйича 4200 ўрнига эндигина 2000 гектар ерга дон экилганлиги техникадан жуда ёмон фойдаланилаётганлигини кўрсатади.

Совхоз раҳбарлари ишчи ва механизаторларнинг унумли ишлашлари учун етарли шароит яратиб бермаганлар. Биронта бўлимда болалар яслиси ва боғчаси ташкил этилмаган. Шунинг учун ҳам болали аёллар дала ишларига эктив қатнаша олмаётирлар. Дала шийпонлари ремонт қилинмаган. Йўл қўйилаётган ана шунақа қатор камчиликлар гуфайли экиш кампаниясига тайёргарлик ҳалдан ташқари орқага судралмоқда. Совхоз белгиланган план бўйича экин майдонларига 10 минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқариши лозим эди. Ваҳоланки, энди 2,5 минг тонна ғўғ жамғарилибди.

Совхоз раҳбарлари экиш кампанияси яқинлашиб келаётганлигини, хотиржамликка барҳам бериш лозимлигини тушунишлари, илғорлар тажрибасини, айниқса, тюпкочилар ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, уни барча бўлимлар ўртасида кенг оммалаштириш йўли билан ўз ишларида кескин бурилиш ясашлари, кўкламни ҳар тарафлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиш учун курашишлари керак.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

☆ ☆

Газета саҳифаларидан

<>

ЯНГИЙЎЛ

Янгийўл районининг колхозчилари МТС ларнинг ишчилари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорини ҳамда Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларини қизғин муҳокама қилмоқдалар. **«Янгийўл»** газетасининг ёзишича, Пленум қарори 1- МТС механизаторларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида якдиллик билан маъқулланган.

Газета бу йиғилишда сўзга чиққан айрим ишчи ва хизматчиларнинг сўзини босиб чиқарган. 25 йилдан бери слесарлик қилаётган кекса ишчи Н. Лукьянов ва бош бухгалтер Святец Ўртоқлар механизаторлар қувончини ифодалаб бундай дейдилар:

«МТСлар колхоз тузумини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда, қишлоқ хўжалигини техника билан қуроллантиришда, ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

Энди колхозлар ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамланди. Барча қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олинмоқда, даромад ҳам ошиб бораётир. Бироқ, бу ерда механизация билан бажарилаётган ишлар устидан МТС ва колхозларнинг баравар раҳбарлик қилиши эндиликда мақсадга мувофиқ бўлмай қолди.

Колхозлар ҳар йили МТСга бир неча ўн минг сўмлаб натура ҳақи тўлайдилар. Агар трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарига ўзлари эгалик қилсалар, ёки маблағлар колхозчиларнинг турмушини яхшилашга сарфланади».

Ишчилардан Тяжелов, Мамкин ва бошқа ўртоқлар ҳам трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг колхозларга сотилиши, колхоз тузумини янада мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда ижобий роль ўйнаяжагини изҳор қиладилар.

<>

ЛЕНИН ЙЎЛИ

«КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарори, — дейди Қорасув районидаги Ленин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Т. Нормуҳамедов **«Ленин йўли»** газетасида, — колхозчиларни роят хурсанд қилмоқда. Биз йил сайин колхознинг умумий даромадидан бир неча юз минг сўм пул сарфлаб, еримизни ҳайдатар эдик. Шу билан бирга ерга колхоз ҳам, МТС ҳам хўжайин эди. Ёки ер кўп вақт ердан унумли фойдаланишда хўжасизликнинг келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Машина ва тракторларни колхозларга сотиш ҳақидаги ва МТСни қайта ташкил қилиш тўғрисидаги партиямизнинг февраль Пленуми қарори жуда тўғри ва ўз вақтида қабул қилинган қарордир.

Колхозимиз ўзининг иктисодий жиҳатдан ҳозирги кунда МТСдаги трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан ўзига кераклигича сотиб олишга қодирдир. Биз ўз хўжалигимиз учун зарур бўлган трактор ва машиналарни МТСдан сотиб оламиз».

<>

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг кекса аъзоси, юқори ҳосилли звенонинг бошлиғи Мадали ота Маниёзов ўз қувончи ҳақида район **«Мўл ҳосил учун»** газетасида қуйидагича ёзади:

«Энди тракторлар колхозларнинг ихтиёрига ўтказилади. Механизмга колхознинг ўзи хўжайин бўлади. Партия ва ҳукуматимиз томонидан кўрилган бу тадбир пахтачиликни юксалтириш, биз пахтакорларнинг фаровон ҳаёти йўлида қўйилган катта қадамдир.

Бу йил звеномиз аъзолари 16 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Биз сўзимизнинг устидан чиқиш учун ҳамма чорани кўрдик. Кузда ҳайдаб қўйилган еримизнинг ҳар гектарига 300 килограммдан суперфосфат, 7 тоннадан маҳаллий ўғит солдик. Ерларни текислаб, экишга тахт қилиб қўйдик.

Мана энди, колхозимиз трактор сотиб олгач биз ундан, кўнгилдагидек унумли фойдаланамиз. Механизаторлар ҳам ўз колхозимиздан бўлади. Улар иш ҳақини колхоздан олгандан кейин, ишнинг сифати учун колхозчилар сингари қайғирадиган бўладилар».

<>

Сталинчи

Оққўрғон районидаги «Сталинчи» газетасининг хабар қилишича, МТСлардан механизаторлар ўртасида колхозга аъзо бўлиб ишлаш иштиёқи тобора кўпаймоқда. Колхозларда трактор далачилик бригадалари ташкил қилинаётир. Уларга моҳир механизаторлар бошчилик қилмоқдалар. Колхозларда механизаторлар кўпайган сари, техникадан фойдаланиш янада яхшиланади.

Комсомол аъзоси ўртоқ П. Саидов анчадан бери трактор бригадасида механик ёрдамчиси бўлиб ишлар эди. Партиямизнинг колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлашга қаратилган қароридан кейин, у колхозда доимий ишлашга кўчди. У Сталин номли колхозда бригада бошлиғи вазифасида ишламоқда. Унинг бу ватанпарварлик ташаббуси райондаги комсомол-механизаторлар ўртасида кенг қўллаб-қувватланди.

Тракторчи Н. Ҳамроев ва бошқалар ҳам пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилаётирлар. С. Ҳолбоев, О. Муродов ва бошқа универсалчилар эса звеноларга бошчилик қилишяпти. Бундай механизаторлар «Ленинобод», Жданов номли, Карл Маркс номли, Калинин номли колхозларда кўпайиб кетди.

Аввалари МТСда ишлаган мутахассислар, эндиликда коллектив хўжалиқда ҳам самарали меҳнат қилиб, колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлишяпти.

Колхоз тузуми янада мустаҳкамланади

С. АТАБЕКОВ.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари.

Коммунистик партия мамлакатимизда коммунизм қурилишининг муҳим ва ҳаётий масалаларини ниҳоятда донолик билан ҳал қилиб келмоқда. Айниқса кейинги йилларда Қозоғистон ва Сибирдаги бўш ҳамда қўриқ ерларни ўзлаштириш, чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини планлаштиришнинг янги тартиби, саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил этиш каби катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган проблемалар муваффақият билан ҳал қилинди.

Шу нарса қувончлики, партия амалга оширган тадбирлар мамлакатимиз экономикасини юксалтириш ва халқ турмушининг моддий фаровонлигини ҳамда маданий-маиший даражасини ошириш соҳасида жуда катта ижобий натижалар бермоқда. Буни бизнинг районимиз мисолида кўриб, тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўтган йили районда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 20,8 центнердан пахта йиғиб олинди. Пахтанинг ялпи ҳосили 1954 йилдагига нисбатан 2302 тоннага, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги 2,6 центнерга ошди. Айниқса чорвачиликни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятга эришилди. Кейинги 4 йил ичида етиштирилган сутнинг миқдори 4 баравар, ғўштнинг миқдори 3 баравар кўпайди. Шу асосда колхозларнинг даромади ҳам тўхтовсиз кўпайиб борди. Ўтган йили район колхозлари хўжаликдан 52,5 миллион сўмга яқин даромад қилдилар. Улар бўлинмас фондга қарийб 8 миллион сўм маблағ ажратдилар. Бу, колхозларга ўзларига керакли техникани давлатдан сотиб олиш учун тўла имконият беради.

Мисол учун, «Ленин йўли» колхозини олайлик. Бу колхоз фақат райондагина эмас, балки областдаги йирик, юқори ҳосилли, хўжалиги ҳар тарафлама юксалган ва иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлардан бири ҳисобланади. Ўтган йили 1700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан пахта, ҳар бир бош сигирдан 1348 литрдан сут олинди. Хўжаликдан олинган даромад қарийб 16,5 миллион сўмни ташкил этди. Бўлинмас фондга 2,5 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. 1958 йилнинг 1 январида колхознинг бўлинмас фондида қолган маблағи 2 миллион 842 минг сўмдан кўпроқ эди.

Колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил қилиш тўғрисидаги қарорини ҳамда Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида қиладиган доклади тезисларини қизғин муҳокама қилдилар ва якдиллик билан маъқуллаб дилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб колхозга керакли техникани дарҳол сотиб олишга қарор қилдилар. Шунга мувофиқ яқинда МТС колхозга 12 та ҳайдов трактори, 36 та «универсал», 35 та культиватор, 19 та чигит экадиган ва 2 та ғалла экадиган сеялка, 5 та ОДН, 10 та пахта териш машинаси, 2 та кўсак терадиган машина, 18 та кўрак чувийдиган машина, 2 та комбайн ва бошқа хил техникани топширди.

Шунингдек, Куйбишев номли колхоз ҳам МТСдан техникани тўла сотиб олди. Колхоз олган машиналар орасида 7 та ҳайдов трактори, 25 та «универсал», 8 та пахта териш ва кўрак чувиш машинаси ҳамда бошқалар бор. Бу колхоз ҳам йирик ва экономикаси анча юксалган хўжаликлардан ҳисобланади. Ўтган йили 1160 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан пахта, 150 бош соғин сигирнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда 1090 литрдан сут олингани, хўжаликдан олинган даромад эса 9,5 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этиб, бўлинмас фондга қарийб 1,5 миллион сўм маблағ ажратилгани бунинг далилидир. Шу туфайли колхоз ўзига керакли техникани сотиб олишга қодир бўлди.

Техникани ўз қўлига олган колхозларда ундан тўла ва унумли фойдаланиш, машиналарга техника қаровини яхши йўлга қўйиш талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир колхозда правление раисининг механизация бўйича ўринбосари ва бундан ташқари алоҳида инженер бўлиши керак. Юқоридаги колхозларда бу назарга олинди. «Ленин йўли» колхози правлениеси раисининг механизация бўйича ўринбосари вазифасига шу колхозда 10 йилдан бўён бригада механиги бўлиб ишлаб келаётган тажрибали механизатор Ўртоқ Пак Степан тайинланди. МТСнинг собиқ контроль-инженери Ўртоқ Тен Владимир эса бундан сўнг колхозда инженер бўлиб ишлайди. Куйбишев номли колхозда правление раисининг механизация бўйича ўринбосари вазифасига шу колхозда узоқ вақт бригада механиги бўлиб ишлаб келган Ўртоқ Пак Василий Романовични тайинлаш, шунингдек инженер танлаш назарда тутилмоқда.

Колхозларнинг, шунингдек Киров номли совхознинг бошланғич партия ташкилоти правление ва совхоз дирекцияси билан биргаликда трактор-далачилик бригадалари ҳамда комплекс бригадалар ташкил қилишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ район колхозларида ва Киров номли совхозда 20 та трактор-далачилик бригадалари, бундан ташқари, колхозларда 4 та ва Киров номли совхозда 8 та комплекс бригадалар ташкил этилди. Трактор-далачилик бригадаларига бошлиқ қилиб тажрибали тракторчилар тайинланди.

Ҳар бир комплекс бригадада 200 дан 300 гектаргача экин майдони бўлади. Унга агроном ёки тажрибали пахтакор, бригададаги звеноларга эса тажрибали универсалчилар бошчилик қиладилар. Бундан ташқари, комплекс бригадаларда бригада бошлиғининг механизация бўйича ўринбосари ҳам бўлиши пазарда тутилади. Бу вазифага бригада механиклари ўртасидан кадрлар танланади. Ана шу бригадаларда пахта етиштириш комплекс равишда механизациялаштирилади. Звено бошлиқлари чигит экишдан тортиб то ҳосил йиғим-теримигача барча ишларни машиналар ёрдами билан ўзлари адо этадилар. Фақат дастлабки даврда айрим звеноларда тажрибали сувчилардан фойдаланиш керак бўлади. Чунки ҳамма тракторчилар ҳам суғориш ишини тўла уддалай олмасликлари мумкин. Улар бу ишни яхши ўрганиб олганларидан сўнг звенода алоҳида сувчиларга ўрин қолмайди.

Колхозлар техникани сотиб олмасдан илгари қишлоқ хўжалик Уставига мувофиқ бўлинмас фондга йиллик даромаднинг 15 процентини миқдорида маблағ ажратилар эди. Бу маблағ асосан хўжалик ва маданий-маиший эҳтиёжлар учун керакли капитал қурилишга сарфланар эди. Бундан кейин эса бўлинмас фонд ҳисобидан колхоз техникасини капитал ремонт қилиш, унга керакли запас қисмлар, ёнилғи ва мойлаш материаллари сотиб олиш, тракторлар ва бошқа машиналарни асраш учун саройлар, шунингдек устахоналар қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш ва бошқа шу каби мақсадлар учун қўшимча харажатлар қилишга тўғри келади. Бу, ўз навбатида бўлинмас фондга илгаригидек даромаднинг 15 процентининг миқдорида эмас, балки кўпроқ маблағ ажратишни талаб қилади. **Шу муносабат билан колхозлар бундан кейин даромаддан бўлинмас фондга ажратиладиган маблағнинг миқдорини қилинадиган харажатларни ҳисобга олган ҳолда кўпайтиришлари зарур.** Район колхозларида ана шундай қилинаётир.

Жумладан, «Ленин йўли» ва Куйбишев номли колхозларда 1958 йил учун тузилган ишлаб чиқариш планлари қайта кўриб чиқилди. Унда умумий даромаднинг камида 22 процентини бўлинмас фондга ажратиш назарда тутилади. Яқин вақт ичида техникани сотиб олишни мўлжаллаётган бошқа колхозларда ҳам ана шундай қилинаётир.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорида ва Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезисларида МТСдан доимий ишлаш учун колхозларга ўтадиган механизатор кадрларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, улар колхоздан оладиган даромаднинг МТСда ишлаган вақтда олган даромаддан камайиб кетмаслигини таъминлаш чораларини кўриш лозимлиги алоҳида уқтириб кўрсатилган. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари олдига қўйилган асосий талаблардан бири ҳам ана шундан иборат. Район партия комитети ва колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари бу масалага алоҳида эътибор бермоқдалар.

Хўжаликдан йил сайин кўп даромад олаётган ва колхозчиларнинг меҳнат кунларига кўп пул ва дон тақсимланаётган колхозларда механизаторларнинг даромади камайиб кетади, дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Масалан, ўтган йили «Ленин йўли» колхозида бир меҳнат кунига 13 сўмдан, Куйбишев номли колхозда эса 9 сўмдан пул ва 2-2,5 килограммдан дон тақсимланди. Аммо, Сталин номли, М. Горький номли, Ленин номли ва бошқа колхозларда бир меҳнат кунининг қиммати, донни ҳисобга олмаганда, 4-4,5 сўмга тўғри келди. **Техникани сотиб олиш муносабати билан ана шу каби колхозларга доимий ишлаш учун ўтадиган механизаторларнинг бир меҳнат кунига 5 сўмдан кам бўлмаган миқдорда гарантияланган ҳақ тўлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.**

Техникани сотиб олган колхозларнинг ҳозирча доимий ва кўчма устахоналари йўқ. Шу сабабли улар запас қисмларга муҳтожлик сезилганда, МТСга боришга мажбур бўладилар. Керакли нарса олиб келингунча, айтайлик, трактор тўхтаб туради. **Шунинг учун республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва область қишлоқ хўжалик бошқармаси колхозлардаги трактор бригадалари ва тракторларнинг сонини ҳамда турини ҳисобга олиб, энг зарур запас қисмларни ўз ичига олган техника аптечкалари тайёрлашлари ва уларни колхозларга сотишлари керак. Бундан ташқари, ҳар колхозга биттадан автопередвижка ва автоцистерна сотиш зарур.**

Шунингдек колхозларда ишлаётган бригада механиклари ва инженерлар ишга оператив раҳбарлик қилишлари учун, уларни транспорт, айниқса мотоциклар билан таъминлаш масаласи ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Колхозларни оталикка олган шаҳар ташкилотлари ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳам биринчи навбатда колхозларга қўклам экиши вақтида машиналарнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш, ёнилғи ва мойлаш материалларини ўз вақтида ташиб етказиб туришда ёрдам беришлари лозим. Улар колхозларда устахоналар, тракторларни асрайдиган саройлар қуриш ва уни жиҳозлаш ишига ҳиндан ёрдам кўрсатишлари зарур.

Район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари МТС раҳбарлари техникани сотиб олган колхозларнинг талабига мувофиқ уларнинг тракторлари ва бошқа машиналарига керакли запас қисмларни сансалорликка солмасдан тўхтовсиз бериб туришлари устидан қаттиқ контроллик олиб боришлари зарур. «Ленин йўли» колхози ўзи сотиб олган тракторларга керакли запас қисмларни олиш учун мурожаат қилганида, МТС раҳбарлари бу масалани дарҳол ҳал қилмадилар. Бу ишга район партия комитети аралашди ва уни тўхтовсиз ҳал қилишни МТС раҳбарларидан талаб қилди. Шу билан бирга, уларни бундан сўнг ана шу каби ҳолга мутлақо йўл қўймаслик ҳақида қаттиқ огоҳлантирди.

Ҳеч шубҳа йўқки, КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг умумхалқ томонидан қизғин маъқулланган қарори колхоз тузумини янада мустаҳкамлашда, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва мамлакатимиз экономикасини ривожлантиришда олга қараб янада катта қадам қўйиш имконини беради.

Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши Ер атрофини 2000 марта айланиб чиқди

Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши 21 мартда Москва вақти билан соат 18 га қадар Ер атрофини икки мингинчи марта айланиб чиқди. Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши учирилганига 138 кун бўлади. Шу вақт ичида у 89 миллион километр масофани босиб ўтди.

Совет Иттифоқида 80 га яқин оптик кузатиш пунктлари ҳамда Европа, Осиё, Африка, Жанубий ва Шимолий Америкада 120 дан ортиқ кузатиш пунктлари иккинчи сунъий йўлдошнинг харакатини кузатмоқда. Пулково, Архангельск, Москва, Рязань, Рига, Вологда, Горький, Петразаводск, Якутск, Сталинобод, Ленинград, Свердловск ва бошқа шаҳарларда жойлашган обсерваториялар ва оптик кузатиш пунктларидан энг яхши сифатли маълумотлар мунтазам суратда олинмоқда.

Чехословакия, Хитой, Болгария, Польша, Югославия, Германия Демократик Республикаси ва Финляндиянинг астрономия станцияларидан кўпгина қимматли материаллар келиб турибди. Йўлдошнинг минимал баландликда учиши вақтида атмосферанинг тўсқинлигига дуч келганлиги натижасида иккинчи йўлдошнинг орбитаси жуда ўзгарди. Иккинчи сунъий йўлдошнинг Ер атрофини айланиб чиқиш даври унинг бутун ҳаракати давомида 9,5 минут камайди.

Ҳисобларга кўра, йўлдош 5 апрелдан 15 апрелгача бўлган давр ичида атмосферанинг зич қатламларига киради ва нуйиб кетади.

Ҳаво очиқ бўлганда 21 мартда иккинчи сунъий йўлдошни кўёш чиқиши олдидан шимолий кенгликнинг 0 градусидан 57 градусигача ҳамда кўёш ботгандан кейин 41 градусидан 65 градусигача оддий кўз билан кўриш мумкин. Жанубий кенгликларда йўлдошни қуёш чиқиши олдидан 0 градусидан 17 градусигача кўриш мумкин.

(ТАСС).



Катта Оҳангарон қурилишида кўплаб уй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилаётир. Қисқа вақт ичида бу ерда ошхона, ҳаммом ва клуб бинолари қад кўтарди. **Суратда:** Янги ошхона биносининг умумий кўриниши. **Г. Пун** фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Брюссель саноат виставкасига

Совет Иттифоқида йирик енгил саноат корхоналаридан бири ҳисобланган Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати ишлаб чиқаётган маҳсулотининг сифати ва бадиий жиҳатидан ишланиши билан Москва ва Иваново шаҳарларидаги тўқимачилик комбинатларидан қолишмайди. Шу сабабли ҳам бу комбинатга шу йил апрель ойида Бельгия пойтахти — Брюсселда очиладиган Жаҳон саноат виставкасида ўз маҳсулоти билан қатнашиш ҳуқуқи берилди.

Комбинат коллективи Брюссель саноат виставкасига қандай газламалар юборишги тўғрисида инженер-колорист Александр Тимофеевич Белоус қуйидагиларни айтди:

— Комбинатда ишлаб чиқарилган сатин, чит, штапель, крепмая каби газламалар намунасининг биринчи партияси Брюссель виставкасига ўтган йилнинг декабрь ойидаёқ юборилган эди. Яқинда комбинатга Жаҳон саноат виставкасини тайёрловчи ташкилот номидан хат келди. Бу хатда ташкилот ҳузуридаги комиссия аъзолари комбинат газламаларига ва коллективнинг меҳнатига юқори баҳо берганлар.

Брюссель саноат виставкасида намойиш қилиш учун иккинчи партия газлама намуналари тайёрланмоқда. Виставкага яқинда жўнатилаётган бу газламалар орасида гулдор сатин, читнинг рангба-ранг турлари, вуаль, крепмая, адрас, хонатлас ва бошқа материаллар бор. Жаҳондаги жуда кўп мамлакатлардан вакиллар келиб кўрадиган Брюссель виставкасида Тошкент тўқимачилик комбинати ишлаб чиқарган газламалардан ҳаммаси бўлиб 50 хил намунаси намойиш қилинади.

М. АҲМЕДОВ.

Колхоз қишлоқларида телевизор сони кўпаймоқда

Тошкент телевизион студияси қурилиб, ишга туширилгандан бери областимиздаги колхоз қишлоқларида телевизор приёмниги сотиб олаётган хонадонлар сони борган сари кўпаймоқда. Оржоникидзе районидаги Ленин номли, Киров, номли, Оржоникидзе номли ва Сталин номли колхозларда ҳозир юздан ортиқ хонадонда турли маркадаги телевизор приёмниги бор. Шу райондаги Михайловский посёлкасидаги кўпгина хонадонлар ва 32, 37-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам Тошкент телестудиясидан бериладиган эшиттиришларни зўр қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар.

Шунингдек Сирдарё области марказида яшовчи юздан ортиқ колхозчи ва совхоз ишчилари хонадонида ҳам, «Рекорд», «Темп-2» ва «Рубин» маркали телевизорларни учратиш мумкин.

Н. ҚАЮМОВ.
С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Француз тилида Париж коммунаси йиллигига бағишланган йиғилиш

Яқинда Тошкентдаги чет тиллар Педагогика институти француз тили факультетининг студентлари Париж Коммунасининг 87 йиллигини нишонлаб француз тилида тантанали йиғилиш ўтказдилар. Йиғилиш очиқ деб эълон қилингандан сўнг ҳамма ўрнидан туриб «Интернационал»ни ижро этади. Шундан сўнг студентлардан Лола Каримова, Гулбаҳор Абдураҳмонова, Мардон Ҳамроев, Нина Кармушина, Феруза Исамова ва Роза Рустамхўжаевалар бирин-кетин минбарга чиқиб, ўзларига топширилган тема юзасидан доклад қилдилар. Йиғилганлар «Париж Коммунаси — 1871 йил 18 март революцияси», «Коммунада хотин-қизлар иштироки», «Луиза Мишель Коммуна қатнашчиси», «Коммунанинг чақириқлари», «Коммунанинг социал-иқтисодий сиёсати» ва «Коммунанинг тарихий аҳамияти» деган темалардаги француз тилида ўқилган докладларни мароқ билан тингладилар.

Йиғилиш охирида ҳаваскорлар «Марсельеза» ва Коммуна ҳақидаги қўшиқларни ижро этдилар, биринчи пролетар революциясига бағишланган шеърлардан ўқиб бердилар. Қизиқарли ўтган йиғилиш охирида яна француз тилида «Интернационал» ижро этилди.

С. МУСАЕВ.

Соч толасига ёзилган хат

Катталиги буғдой донининг ярмича келадиган трактор ва 54 қисмдан иборат, оғирлиги эса ярим грамм келадиган скрипка инсонинг гул қўллари билан яратилган. Бу миниатюр буюмчаларни фақат микроскоп ёрдами билан кўриб завқланиш мумкин. Табиийки, ана шундай буюмчаларга қараганингда, дафатан Лесковнинг бурга оёғига тақа ясаган Чапақайини эслайсан.

...Эдуард Казарян Арманистон давлат симфоник оркестрида музикант бўлиб ишлайди. У шу ерда 16 ёшидан бери ишлаб келади. У чалаётган альт ёш музиканта маъқул тушмади. Шу сабабли Эдуард ўзи чолғу асбоби ясашга уриниб кўрди. Шундан бери Э. Казарян 9 та скрипка ва альт ясади.

Лекин Эдуард ўзининг ҳақиқий қобилиятини музикадан ташқари бўш вақтларида оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган буюмлар ясашда кўрсатди.

Халқ эртаги сюжети асосида яратилган «Шолғом» номли миниатюра композицияси ўзининг нозик ишланиши билан кишини ҳайратда қолдиради. Эртакдаги персонаж фигуралари 16 хил турли ёғоч бўлакчалардан тайёрланган.

Эдуард Казаряннинг маҳоратини дунёдаги кўпгина мамлакатларда ҳам биладилар. Масалан, «Берлинер цейтунг» газетаси АДН телеграф агентлигининг Эдуард ҳақидаги хабарини босиб чиқарди. Бу мақола газеталар ўртасида катта тортишувга сабабчи бўлди. Кўпчилик бу хабарнинг ҳақиқатга яқинлигига шубҳаланди. Шундан сўнг «Берлинер цейтунг» редакцияси Эдуард Казарянга ўз ишларининг ҳақиқий эканлигини исботлашни сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Суратда; Э. Казарян иш устида.

Эдуард ўйланиб қолди. Агарда ясалган буюмчаларни катта қилиб кўрсатадиган фотосуратлар юборилса, у ҳолда бундай суратлар ишнинг нақадар нозик эканлиги ҳақида тўла тасаввур бермайди. Шунда Э. Казарян соч толасига хат ёзиб юборишга қарор қилди. У, узунлиги 1 сантиметр соч толасига «Немис халқига арман халқидан қардошлик саломи!» деб ёзди. У, соч толасини икки ёқут тошга ўрнатди ва уни махсус мармар қутичага жойлаб, Берлинга жўнатди. Берлин газетаси «Эртаклар айрим ҳолларда ҳақиқатга айланади» сарлавҳаси билан бу ҳақда мақола босиб чиқарди.

Эдуард Еревандаги тарих музейига ажойиб экспонат тақдим этди. Дастлаб қараганда, бу экспонат оддий темир тўғнагичга ўхшайди. Бироқ оптик приборлар ёрдами билан унга қаралса, тўғнагич қопқоғида Ереван опера ва балет театрининг биносини аниқ кўриш мумкин. Тўғнагичнинг эни 1,5 миллиметр ҳам келмайди, баландлиги эса роса 1 миллиметрдир. Лекин шунга қарамай, деразалар, зинапоялар ва улкан бинонинг бошқа ҳамма деталлари аниқ кўринib турибди.

Ҳозир Казарян гурунч донаси ичига Москва Кремли башнясининг макетини ўймоқда. Бу макет гурунч донасининг тўрт томонидаги кўзчалар орқали кўриниб туради. Макетнинг тепасига «Москвага салом!» деб ёзилган. Бу миниатюра Москвага совға қилиб топширилади.

Талантли мастер Ҳиндистон учун ҳам совға тайёрламоқда. 100 та филдан иборат карвон бирин-кетин соч толасидан ясалган ва узунлиги 1 сантиметр келадиган тоннелга киради ва кўп ўтмай нариги томондан чиқади. Бу филлар нимадан ясалган? Улар ҳам соч толасидан ясалган, лекин у тоннель ясалган толадан анча ингичка.

Э. Казарян қандай қилиб бундай мураккаб ишларни бажара олади?

Унинг асосий асбоблари олмос кескичлар, уларнинг юзини оддий кўз билан кўриш қийин. Бу асбобларни Э. Казаряннинг ўзи тайёрлайди. Казарян биноскоп деган оптик прибор ёрдами билан ишлайди. Бу асбоб жуда кичик нарсаларни кўп марта катта қилиб кўрсатади.

Бундай нозик ишларни бажаришда катта чидам ва қўл ҳаракатининг жуда аниқ бўлиши талаб этилади. Агарда бирорта чизиқни ўйиш бошланган бўлса, уни албатта тамом қилиш керак. Агарда асбоб шу чизиқдан олинса, иккинчи марта асбобни ўша чизиққа тушириш мутлақо мумкин эмас.

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ БУНДЕСТАГИДА ТАШҚИ СИЁСАТГА БАҒИИШЛАНГАН МУЗОКАРАЛАР

БОННН, 20 март. (ТАСС). Ғарбий Германия бундестагида бугун ташқи сиёсатга бағишланган музокаралар бошланди. Бу музокаралар вақтида Германия Федератив Республикаси ҳукумати ҳозирги замон жаҳон сиёсатининг энг муҳим масалаларида — қуролсизланиш ва халқаро кескинликни юмшатиш масалаларида ўз позициясини белгилаб олмоқчи.

Бундестагдаги ҳукумат партияси ХДС-ХСС ва эркин демократик партия фракцияларининг берган саволлари музокараларга асос қилиб олинди.

ХДС-ХСС фракцияси, ҳукумат юксак доирадаги кенгашни Германиянинг қайта бирлаштириш масаласини муҳокама қилмасдан ўтказиш фойдали бўлади, деб ҳисоблайдими, деган саволни бериб, ҳукуматдан Германияни қайта бирлаштириш масаласида ўз позициясини айтиб беришни, жумладан, ҳар иккала германия давлатининг конфедерациясини тузиш тўғрисидаги таклифга нисбатан ўзининг муносабатини айтиб беришни илтимос қилди.

Эркин демократик партия фракцияси ўзининг саволида Германия Федератив Республикаси ҳукуматидан юксак доирадаги кенгашда тўрт буюк давлатнинг бутун Германия учун тузиладиган сулх шартномаси принципларини муҳокама қилишларига эришишни талаб қилди. Сўнгра бу фракция, ҳукумат Марказий Европада атомсиз зона вужудга келтириш масаласида ўз таклифини қўйиш ниятидами ва шу масала юзасидан икки томонлама музокаралар ўтказиш тўғрисида Польша ҳукуматининг таклифини қабул қилишга тайёрми, деб ҳукуматга савол берди.

Энг катта оппозициячи партия бўлган Германия социал-демократик партияси Германия Федератив Республикасини атом билан қуроллантириш планларига қарши қаратилган таклифларни бундестаг муҳокамасига қўйди.

Музокаралар вақтида эркин демократик партия раисининг ўринбосари Менде Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг ташқи сиёсатини танқид қилиб гапирди. У ўз фракциясининг берган саволини асослаб, ҳукумат Германия билан сулҳ шартномаси тузиш масаласини юксак доирадаги кенгашда муҳокама эттиришга ҳаракат қилсин, деб талаб қилди. Шу билан бирга, Менде бу муҳокамада ҳар иккала Германия давлатининг — Германия Федератив Республикаси билан Германия Демократик Республикасининг иштирок қилиши мумкин деган фикрни айтди. У, Совет Иттифоқига нисбатан ишонч билан қараш керак, деб ҳам талаб қилди. Бундай ишонч бўлмаса, — деди у, — музокаралар олиб бориш мумкин эмас. Менденинг фикрича, Германия қайта бирлаштиришнинг биринчи босқичи Германия Федератив Республикаси ҳукумати талаб қилаётганидек, «эркин сайловлар» ўтказишдан иборат бўлмай, балки Германиянинг келгусидаги ҳарбий ва сиёсий статусини белгилаб олишдан иборат бўлиши лозим. Менденинг уқтириб айтишича, қайта бирлаштирилган Германиянинг бирор ҳарбий блокда қолиши тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Сўнгра Менде, Германия Федератив Республикаси ҳукумати Европада атомсиз зона вужудга келтириш масаласида ўз таклифларини айтсин ва шу масала устида музокаралар олиб бориш ҳақида Польша ҳукумати томонидан қилинган таклифни қабул қилсин, деб талаб этди. У, ҳукуматни айблаб, ҳукумат ғарбий герман ҳарбий экспертларининг атомсиз зона ҳақида Польша таклифларини ҳеч сўзсиз рад этмаганлигини жамоатчиликдан яширди, деди.

Германия Федератив Республикасининг канцлери Аденауэр ҳукумат номидан сўзга чиқиб, баёнот берди. У ўз нутқида Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсатига қарши нуқул туҳматдан иборат бўлган гапларни айтди. Аденауэр Ғарбий Германия сиёсатининг мақсади «тинчликни сақлаб қолиш» ва «атом урушининг олдини олиш»дан иборат деб даъво қилиб, ҳукумат томонидан ўтказилиб келаётган зўравонлик сиёсатини ниқоблашга уринди. Лекин шу билан бирга, у, Совет Иттифоқига нисбатан зўравонлик сиёсатини давом эттиришни, Германия Федератив Республикасининг НАТОда актив ҳамкорлик қилишини ҳамда бундесверни атом билан қуроллантиришни очиқдан-очиқ талаб қилди. Аденауэр, Совет Иттифоқи «агрессив мақсадларни кўзлаётир» деган бемаъни гаплар билан ўзининг шу талабларини қувватлашга уринди. Аденауэр, Совет Иттифоқини «НАТО мамлакатларининг бўлажак ёви» деб атади. Аденауэр ўз нутқининг охирида, Германия Федератив Республикаси ҳукумати Совет Иттифоқи билан ҳамма вақт музокаралар олиб боришга тайёр, деди.

Ташқи ишлар министри Брентано сўзга чиқиб, ХДС-ХСС ва эркин демократик партия фракцияларининг саволларига жавоб берди. У, Ғарбий Германия Ғарб давлатларидан ўз территориясида атом қуролини жойлаштиришлан воз кечишларини талаб қилиши мумкин эмас, деди. Брантано ўз гапларини Ғарб давлатлари «Ғарбий Германиянинг хавфсизлигини» таъминлашлари заруллиги билан асослади. Шу билан бир вақтда, у Германияни қайта бирлаштириш масаласи юксак доирадаги кенгашда албатта муҳокама қилиниши керак, деди ва Германия қайта бирлаштирилмаслан туриб Европа хавфсизлиги проблемасининг муҳокама қилинишига қарши чиқди. Брентано Германия қайта бирлаштириш масаласида Германия Демократик Республикаси билан музокаралар олиб бориш тўғрисидаги таклифни рад қилди.

ФРАНЦИЯДАГИ СИЁСИЙ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 20 март. (ТАСС). Париж матбуотида баён қилинган фикрлардан маълум бўлишича, Гайяр ҳукумати мушкул ва нотайин аҳволга тушиб қолган. Ўнг партиялар — «мустақил республикачилар» ва бошқалар—ҳукуматни Тунис билан бўлган можарода ҳеч қандай ён бермасликка, айниқса Бизертадаги ҳарбий-денгиз базаси ва Тунисдаги француз аэродромлари масаласида ҳеч қандай ён бермасликка мажбур этмоқ учун ҳукуматга тазйиқ ўтказмоқдалар.

Кўпгина сиёсий обзорчилар «мустақил республикачилар»нинг ва бутун ўнг қанотнинг тактикасига ҳукуматга нисбатан қилинаётган пўписа деб баҳо бермоқдалар. Бугун Миллат мажлисидаги, Республика кенгашидаги ва Француз иттифоқи мажлисидаги ўнг группалар вакилларининг қўшма кенгаши бўлади; бу кенгашда «мустақил республикачилар»нинг ҳукумат составида бундан буён қолиши ёки қолмаслиги масаласи муҳокама қилинади. Улар, агар Гайяр Франциянинг Бизерта ва Тунисдаги барча аэродромлар устидан контроллигини батамом сақлаб қолиш тўғрисидаги ўз талабларини қабул қилмаса, «мустақил республикачилар»нинг министрлари ҳукумат составидан чиқиб кетади, деб очиқдан-очиқ шама қилмоқдалар.

Газеталарнинг таъкидлаб ёзишича, ўта ўнг группалар ҳукумат танглигини вужудга келтириш планини ишлаб чиққанлар. Шу планга кўра, Гайяр, ҳукумати истефо берганидан кейин жуда ўнг унсурлардан иборат «ижтимоий нажот» ҳукумати ҳокимиятни қўлга олиши лозим.

Бугун кўп газеталар бу тактиканинг Франциянинг халқаро ва ички позициялари учун хатарли эканлигини уқтириб ёзмоқдалар. Халқаро соҳада бу тактиканинг оқибати шундан иборат бўладики, Франция—Тунис муносабатлари яна кескинлашали ва бунинг натижасида умуман Шимолий Африка учун ёмон оқибатлар вужудга келади. «Либерасьон» газетаси бундай деб ёзади: «Тўппа-тўғри шуни айтиш керакки, Шимолий Африкани яна истило қилиш орзусида юрган ўнг ва жуда ўнг группалар «аҳвол қанчалик оғирлашса, шунчалик яхши бўлади» деган сиёсатни ўтказмоқдалар. Улар аҳволни жуда ҳам мушкуллаштириб юбориб, энг хатарли авантюралар чиқариш ниятидадирлар...».

Суданда янги сайланган парламент сессияси очилди

ХАРТУМ, 20 март. (ТАСС). Суданда янги сайланган парламентнинг бугун сессияси очилди. Вакиллар палатасининг биринчи мажлисида ҳозирги бош министр Абдилла Халил кўпчилик 103 овоз билан яна бош министр бўлиб тайинланди.

СОВЕТ-ВЕНГЕР ДЎСТЛИГИ КЕЧАСИ

Бундан 39 йил муқаддам жаҳон ишчилар ҳаракати тарихида муҳим воқеа юз берди — 1919 йил 21 мартда Венгрия Совет Республикаси бўлиб қолди. Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзида шу шонли кунга бағишланиб кеча ўтказилди. Кеча қатнашчилари орасида Венгрия Халқ Республикасининг СССР даги элчиси Янош Болдоцки ва элчихона ходимлари бор эди.

Кечани Совет-Венгрия дўстлиги жамияти правлениесининг раиси, СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси П. Н. Федосеев очди.

Тарих фанлари доктори А. Л. Норочницкий Венгрия Совет Республикасининг 39 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Бахрушин номидаги театр санъати давлат музейининг бўлим мудири А. П. Клинчин ҳамда Қизил крест ва қизил ярим ой жамияти союзининг аъзоси П. Д. Диваков яқинда Венгрияга қилган сафарлари вақтида олган таассуротларини гапириб бердилар.

Кечанинг охирида концерт қўйиб берилди.

(ТАСС).

АТОМ УРУШИ ХАВФИ ТУГАТИЛСИН!

(МАКС ГЕЙМАННИНГ РАДИО ОРҚАЛИ СЎЗЛАГАН НУТҚИ)

БЕРЛИН, 20 март. (ТАСС). АДН агентлиги Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Макс Рейманнинг кеча «Дейче фрейхейтсзендер 904» радиостанцияси орқали сўзлаган нутқини эълон қилди.

М. Рейман айтдики, Германия Федератив Республикаси ҳукумати сиёсатининг мақсади Ғарбий Германияни атом билан қуроллантириш масаласида бундестагдан мадад олиб, бу билан юксак доирада кенгаш ўтказиш режасини бузишдан иборатдир. Бу сиёсат, — деди М. Рейман, — халқаро кескинликни юмшатишга ва ҳамжиҳатликка эришишга қарши каратилган сиёсатдир. Бу сиёсат АҚШ нинг давлат секретари Даллес ва Америка бош штаби томонидан ўтказилаётган ташқи сиёсат йўлига мос бўлиб тушади.

М. Рейман, Ғарбий Германия ҳарбий министри Штрауснинг Америка Қўшма Штатларига қилган сафарига тўхталиб, Штраус АҚШ да бўлган вақтида, бундесверни атом билан қуроллантириш ва Германия Федератив Республикасида атом ҳамда ракета базалари вужудга келтириш масаласи 3 апрелда ҳал қилинади, деб ваъда берганлигини уқтириб ўтди.

Сўнгра М. Рейман бундай деди: Германия Коммунистик партиясининг сиёсати ҳамиша тинчликни таъминлашга ҳамда Германияни демократик асосда қайта бирлаштиришга қаратилган сиёсат бўлиб келди. Шу принципга содиқ бўлиб қолган коммунистлар ҳозир ҳам, Германия Федератив Республикасини атом билан қуроллантириш немис халқи учун ҳалокатли хавф бўлади ва бундай қилиш тинчлик ҳамда Германияни қайта бирлаштириш йўлидаги интилишга асло тўғри келмайди, деб айтмоқдалар.

Германия Компартияси атом урушини тайёрлашдан иборат агрессив программага қарама-қарши қилиб, — деди М. Рейман, — ўзининг тинчлик, битишиш ва ватанимизни демократия, тинчлик ҳамда ижтимоий тараққиёт давлати қилиб қайта бирлаштириш программасини илгари сурмоқда. Германия Коммунистик партияси сиёсатининг марказий вазифаси шуки, партия Федератив Республикада атом ва ракета қуролини жойлаштиришга, тўплашга ва ишлаб чиқаришга қарши, Европада атом қуролидан ҳоли бўлган зона вужудга келтириш учун курашади.

М. Рейман ўз нутқида юксак доирада кенгаш ўтказиш масаласига ҳам тўхтаб ўтди. Биз, коммунистлар, — деди у, — кенгашда битимга келиш мумкин бўладиган масалаларни кун тартибига киритишни талаб қилмоқдамиз. Биз Германиядаги ва бутун дунёдаги миллион-миллион кишилар билан бирликда Совет ҳукуматининг ядро қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш тўғрисидаги, Европада атомсиз зона вужудга келтириш тўғрисидаги, немислар ерида турган барча чет эл қўшинларини камайтириш ва уларни аста-секин олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги, НАТО давлатлари билан Варшава шартномаси давлатлари ўртасида бир-бирига ҳужум қилишмаслик пакти тузиш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлаймиз.

Пировардида М. Рейман Ғарбий Германия аҳолисини атом уруши хавфини тугатишга қаратилган ўз ғайратларини кучайтиришга чақирди. У, яна Германия социал-демократик партиясига мурожаат этиб, атом ва ракета билан қуролланишга қарши, тинчликни ҳимоя қилиш йўлида, юксак доирадаги кенгашни муваффақиятли ўтказиш учун биргаликда иш олиб боришни таклиф қилди.

Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети ижроия комитетининг мажлиси

БЕЛГРАД, 20 март. (ТАСС). ТАНЮГ агентлигининг билдиришича, бугун Белградда Югославия Коммунистлар союзининг бош секретари Иосип Броз Тито раислигида Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети ижроия комитетининг мажлиси бўлди.

Ижроия комитети Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг 8-пленуми қарорига мувофиқ қарор қабул қилди. Бу қарорга биноан, Югославия Коммунистлар союзининг VII съезди 1958 йил 22 апрелда Люблянада очилади. Ижроия комитети съезднинг қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

1. Халқаро аҳвол ва Югославияда социалистик қурилишнинг ички тараққиёти муносабати билан Коммунистлар союзининг вазифалари. Докладчи Иосип Броз Тито.

2. Коммунистлар союзининг ташкилий-сиёсий масалалари юзасидан Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг ҳисоботи. Докладчи Александр Ранкович.

3 Югославия Коммунистлар союзи Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи.

4. Югославия Коммунистлар союзининг программаси. Докладчи Эдвард Кардель.

5. Югославия Коммунистлар союзи уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар. Докладчи Момчило Маркович.

6. Югославия Коммунистлар союзининг навбатдаги вазифалари тўғрисида резолюция қабул қилиш.

7. Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетини ва Марказий ревизия комиссиясини сайлаш.

8. Хар хил масалалар.

Телевизор экранида

22 МАРТДА

19.30. Кичик ва ўрта ёшдаги болалар учун ўзбек тилида эшиттириш. «Телевиджон».

20.00. «Совет ёзувчиларининг ҳикоялари экранда» циклидан. «Телеграмма» деган эшиттириш. (Рус тилида).

20.30. Киножурналлар.

20.50. Узбекистон радио эшиттириш ва телевидение комитети халқ чолғу оркестрининг концерти.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/III да кечқурун ва 23/III да кундуз **Жазоир, менинг ватаним!** 23/III да кечқурун **Айтсам тилим қуяди, айтмасам дилим.**

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/III да **Травната,** 23/III да кундуз **Қизил гул,** кечқурун **Евгений Онегин.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 22 ва 23/III кеч соат 8 яримда Озарбайжон ССР халқ артисти **Рашид Бейбутов** раҳбарлигида ва унинг иштирокида **Озарбайжон эстрада ансамблининг хайрлашув гастроллари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Ван Зе-вей труппасининг хайрлашув гастроллари** ва бошқа номерлар. Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«ИСКРА» — кеч соат 5 гача **Ян Жижка,** кеч 5 дан **Ё ҳаёт, ё ўлим.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 9-45 минут, 11 ярим, кундуз 1-15 минутда янги киноповесть **Гонзикнинг саёҳати,** кундуз 3, 4-45 минут, кеч 8-15 минутда **Эллада фарзандлари,** кеч 6 ярим ва 10 да **Бу воқеа Пеньковда бўлган эди.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10, кундуз 4, кеч 10 да **Ян Жижка,** кундуз 12 ва кеч 6 да **Юлдуз,** кундуз 2 ва кеч 8 да **Партбилет.**

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА

Ленин орденли СССР Академик Большой театр солисти, РСФСРда хизмат кўрсатган артист (тенор) **Виталий Игнатьевич КИЛЬЧЕВСКИЙ ГАСТРОЛИ**

23/III да — **Евгений Онегин.**

Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

23/III кундуз соат 4 да **ЎЗБЕК МУЗИКА ЛЕКТОРИЙСИНИНГ ОЧИЛИШИ** «Ўзбекистон халқ музикаси» деган темада

1-лекция-концерт

Лектор — музикашунос **Маҳмуд Аҳмедов.**

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фотима Борухова,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Карим Алиев, Эргаш Шукруллаев,** VI Жаҳон фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Мирза Тоиров,** солистлардан **Адиба Мирзаева, Берта Давидова, Ғафур Иноғомов, Эргаш Йўлдошев,** ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри қатнашади.

Программада: ўзбек халқ ашула ва музикалари.

Билетлар сотилмоқда. 4 ва 5-абонемент ярайди.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими— 132. Секретариат — 115,50. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 02689. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-435.